

**THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALIZED
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

KARSHI STATE UNIVERSITY

MASTER DEPARTMENT

THE CHAIR OF LINGUISTICS

KOMILOVA GULMIRA OLIMOVNANING

**“Hozirgi zamon ingliz tilida temporal (before, in, at) predloglarining
funktional-semantik taxlili” mavzusidagi**

5A120102-Linguistics

DISSERTATION

For getting Master degree

Scientific teacher: Sen. Teacher A.Nazarov

KARSHI – 2015

КИРИШ

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлашда, унинг ижтимоий-сиёсий тараққиётини янада юксалтиришда давлатимизда олиб борилаётган ислохотлар барча соҳалар қаторида илм ва фан олдига ҳам бир қатор вазифаларни қўйди. Мамлакатимиз мустақилликка эришган кунларданок жаҳон ҳамжамияти билан турли соҳаларда алоқаларни ўрната бошлади. Натижада, жумладан, илм ва фанда ҳам янги имкониятлар очила бошлади. Президент И.А.Каримов илм ва фanning мамлакатнинг ривожланишидаги аҳамияти ҳақида шундай деган эди: “Мамлакатни жадал ривожлантириш борасидаги дастурий вазифаларни амалга оширишда фанни ва илмий инфраструктурани ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга”¹. Дарҳақиқат, илм ва фanning йирик соҳаларидан бири тилшуносликда ҳам, айниқса, ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бу турли халқлар тилларини она тилимиз билан қиёслаб ўрганиш ва улар орасидага кенг имкониятларни халқимизга етказишдир. Тил халқлар орасидаги маданий алоқаларни бир-бири билан туташтирувчи кўприқдир. Мамлакатимизда хорижий тилларни ўрганишга ва ўргатишга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор берилмоқда. Президент И.А.Каримов шундай деган эди: “Ҳозирги пайтда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишга юртимизда катта аҳамият берилмоқда. Бу ҳам, албатта, бежиз эмас. Бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун, чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини кураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукамал билишнинг аҳамиятини баҳолаш ҳожати йўқдир».² Бугунги кунда хорижий тилларни мамлакатимизда кенг миқёсда турли ёшдаги ва турли касбдаги кишилар ўрганмоқда ва бунга эҳтиёж ошмоқда. Хорижий тилларнинг

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997.-326 б.

² Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нуткидан.// Ш.Қурбонов за бошқалар. Баркамол авлод орзуси («Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш борасидаги публицистик мулоҳазалар) - Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. 1998.- 148 б.

мамлакатимизда катта қизиқиш билан кенг ўрганилиши албатта тилшунос олимлар олдида катта вазифаларни қўяди. Афсуки, ҳозирги кунда ҳам хорижий тиллар, айниқса, герман тиллари, жумладан, инглиз тили билан ўзбек тилини қиёслаб ўрганишда кўп ишлар деярли рус тилида қилинган. Бу борадаги қилинган янгиликлар ўзбек ўқувчисига ўз она тилимизда етказилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Президент И.А.Каримов шундай деган эди: «Кечаги тарихимизда бизнинг ғарб тилларини ўрганишимизда она тилимиз эмас, асосан, рус тили воситачи бўлиб келди. Шунинг ҳисобига ҳозиргача, мисол учун, инглизча-ўзбекча ва ўзбекча- инглизча луғатлар деярли йўқ. Бунинг натижасида ўзбек мактабларини битирган болаларимиз қисилиб қолиб, чет тилларини ўрганишда жуда кўп тўсиқларга учраб келди.

Бундай заиф, ноўрин ҳолатларни тезда ўзгартириш, ўзбек боласига чет тилларнинг ажиб дунёсига бемалол кириш учун имкониятларни тўлиқ очиб беришимиз даркор.

Президентимиз, И.А. Каримов шунингдек, Олий Мажлис сессиясида (29 август, 1997 й) хорижий тилларни ўрганишнинг ўрни ва муҳимлигига асосий эътибор қаратган ҳолда “Мамлакатимизда хорижий тилларни ўрганишнинг миллий асосидаги жадаллаштирилган методикасини тайёрлашни тезлаштиришимиз зарур”[1, 331]лигини алоҳида таъкидлаган эди. Бу фикрларнинг барчаси мамлакатимиз равнақида, айниқса, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури орқали белгиланган вазифаларни амалга оширишда илм-фаннинг роли ва аҳамияти қанчалик юксак эканлигини белгилайди. Бундай мақсад ва вазифаларни амалга оширишда бошқа фанлар билан бир қаторда тилшуносликнинг ҳам ўз ўрни бор. Маълумки, тил азал-азалдан халқларнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий- сиёсий интеграцияси учун асосий восита вазифасини ўтаб келган.

Замонавий тилшуносликнинг кенг ва жадал ривожланиши тил сатҳларининг (лексик, морфологик, синтактик, прагматингвистик, когнитивлик) ўзаро боғлиқ ҳолда тадқиқ этилиши муҳим эканлигини

исботлади. Бу ҳол тил тадқиқотларини янги босқичга олиб чиқди. Шундай экан, феъл системаси тадқиқотларида муҳим ўринга эга бўлган аспектологик масалалар ҳам лексик-грамматик талиллардан янги босқичда тадқиқ этилишини талаб этмоқда. Ушбу тадқиқотлар шу давргача тилшуносликда баҳсли масалалалардан бири бўлиб келган аспектualiк назариясининг системалаштириш ва унинг ифодаланиши усуллари умумлаштиришга қаратилган эди. Ҳозирги замон тилшунослик тадқиқотлари бевосита прагматик тилшунослик, когнитив тилшунослик даражасида таҳлил этишга эътибор кенг қаратилган. Ушбу соҳанинг тилшуносликнинг турли сатҳларида тадқиқ этилиши бу соҳаларнинг кенг қамровли асос эканлигидан далолат беради. Бевосита предлогларнинг таҳлили тўғрисида гапирадиган бўлсак, ушбу тадқиқот объекти бевосита феъл, от, отли бирикмалар, матн семантикаси, вақт, макон, муносабат ва шу каби тушунчалар доирасида олиб борилиши барчага аён. Предлоглар семантикаси билан шуғулланган ва қизиққан тилшуносларга маълумки, предлоглар ўз навбатида замон, темпорал семантика ва шунингдек синтактик сатҳда (гап доирасининг барча синтактик қатламларини қамраб олади) ўрганиб келинган ва айна дамда ҳам мазкур соҳадаги таҳлиллар, тадқиқотлар тўхтаган эмас, уларнинг тадқиқоти янги даражага, яъни когнитив прагматик жиҳатдан ўрганиш ҳамда таҳлил этиш даражасига кўтарилди. Ушбу магистрлик диссертациямизда инглиз тилида предлоглар ва улар ифодалайдиган семантиканинг гап ва матн доирасида акс этиши, яъни инглиз тилшунослари томонидан таклиф этилган семантик композиция даражасида, прагматик таҳлилларга асосланган ҳолда, тилнинг барча сатҳлари комбинацияси (грамматик, лексик, синтактик, яъни контекст, матн доирасидаги барча тил бирликларининг семантикаси) таҳлили ўрин олган ва шунингдек когнитив томонларига муҳим эътибор қаратилган. Шу билан бирга тадқиқ асосини мазкур тилдаги предлогли

бирикмалар таснифи ҳамда уларнинг ифодаланишидаги ўзига хос ўрни таҳлил остига олинган.

Тадқиқотнинг долзарблиги. Таъкидланганидек замонавий тилшунослик тадқиқотларида янги йўналишлар пайдо бўлди, жумладан психолингвистика, лингвокултурология, когнитив тилшунослик ва бошқалар. Хусусан прагматик ва когнитивлик тилшуносликнинг лексик сатҳида таҳлил этилишни бошлаб, ҳозирда грамматик структура, синтактика, семантика сатҳларида ҳам кенг тадқиқ этилмоқда. Шундай қилиб, предлоглар ва предлогли бирикмаларни тадқиқ этиш ўз навбатида вақт, макон, темпорал ва ҳатто аспектual маъноларнинг тадқиқ этилиши бевосита боғлиқ бўлиб, прагматик нуқтаи назардан таҳлил этиш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бевосита прагматик тилшунослик масалалари хусусида сўз юритиладиган бўлса, мазкур соҳа тилшуносликнинг барча соҳалари доирасида, жумладан дейксис, таксис, матн таҳлили, нарративлик йўналишлар доирасида таҳлил этилганидек предлоглар семантикасини когнитивлик билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилиши мазкур соҳани имконияти кенглигини очиб бериши мумкин. Маълумки, прагматика билан кўплаб жаҳон тилшунослари Аустин.Ж.Л (1962), Сирли.Ж.Р (1975), Мэй.Ж.Л (2001), Жэкендоф, Рэй (2002), Пирс Ч (2000) ва бошқалар каби ўзбек тилшунослигида ҳам Сафаров Ш(2008), Пардаев З (2013) маълум ишлар амалга оширилганлигини кузатиш мумкин. Мазкур магистрлик диссертациямизда инглиз тилидаги предлогларнинг, жумладан он предлогининг семантик-синтактик тадқиқи, уларнинг вақт ва макон семантикасини аниқлашда бевосита дейктик вазифани бажаришини аниқлаш ва таҳлил этишга қаратилган.

Магистрлик диссертациянинг назарий аҳамияти. Мазкур ишда инглиз тилидаги темпорал бирликларнинг дискурсив ва дейктик маънолари феъл семантикасини (тус-замон, аспектual) аниқлаши доирасида кўриб чиқилади. Шунингдек, феъл билан ифодаланадиган аспектual семантика ва уларнинг темпорал хусусияти турлари аниқланди ва улар алоҳида алоҳида

тадқиқ қилинди. Маълумки темпораллик ва темпорал бирликлар семантикаси тилшуносликнинг мунозаравий соҳаларидан бири ҳисобланади. Ишда темпорал гуруҳларни аниқлашда дейктик нуқтаи назардан аспектиал маънолар матн доирасида ва прагматик жиҳатдан аниқланади (З.Веркюль, 1978, Лангакер, 1991) /. Мавзуга бу каби ёндашиш эса, турли тиллар тизимидаги феъл системасининг бутун бирикиш потенциаллини, имкониятини очиб беришга ёрдам бераш билан бирга мазкур соҳани ўзига хос қонуниятларини чуқурроқ тушиниш имконини яратади.

Тадқиқотнинг вазифалари. Ушбу магистрлик диссертациясининг олдига қўйилган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

- инглиз тили предлогларни маъно кўламини аниқлаш ҳамда улар семантик гуруҳларини таснифлаш.
- композицион моделлар ёрдамида инглиз тилидаги предлогли бирикмаларнинг синтактик, семантик, концептуал ифодаланиш усулларини аниқлаш;
- инглиз тилидаги предлогларнинг грамматик белгилар ва лексик бирликларнинг семантик маънолари ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш;
- инглиз тилида оп предлогининг маъно турларини ажратиш ва гуруҳлаш ҳамда шу асосда уларнинг гап семантикасига таъсирини белгилаш;
- прагматик тадқиқотларнинг йўналишлари, уларни турли мактабларнинг ўзига хос ёндашувларини таҳлил этиш;
- инглиз тилида оп предлогининг синтактик бирикмалари, фразеологик бирикмалари таркибини шакллантириш ва уларни матн семантикасига таъсирини ўрганиш;
- инглиз тилидаги предлогининг феълларга бирикиши орқали ҳосил қиладиган адвербиал равишлар ва уларнинг маъно турларини таҳлил этиш;
- оп предлогининг темпорал ва аспектиал семантикага таъсирини ўрганиш ва феълнинг ушбу сатҳлардаги маъноларни ҳосил қилишда тутган ўрнини белгилаш.

Магистрлик диссертациясининг амалий аҳамияти. Диссертация материаллари ва хулосалари инглиз тили грамматикаси, семантикаси, прагматикаси билан шуғулланувчилар ва когнитив тадқиқотларига бағишланган ишларда, ҳамда битирув малакавий иш материалларидан коллеж, лицей ўқувчиларининг амалий дарсларида, шунингдек назарий ва амалий грамматика фанларидан курс ишлари, рефератлар ёзишда манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқотнинг мақсади. Мазкур магистрлик диссертациясининг олдига қўйилган асосий мақсад қуйидагилардан иборат:

- инглиз тилидаги предлоглар ва предлоги бирикмаларини **турлар** маълум семантик гуруҳларга ажратиш, семантик маъно кўламини аниқлаш:

- предлогларни ва улар билан ясалалдиган бирикмаларнинг ифодаланишини ўзига хос композиция сифатида мавжудлигини аниқлаш:

- инглиз тилида **on** предлогининг темпораллик, макон тушунчаларидаги лексик ва грамматик сатҳларини белгилаш:

- инглиз тилида **on** предлогининг турли морфологик бирликларга бирикиши орқали ясайдиган фразеологик бирикма турларини аниқлаш, ҳамда таҳлил этиш:

- инглиз тилида **on** предлоги ва мазкур предлоги бирикмаларнинг феълни текстда ифодалайдиган тус-замон ва аспектual маъноларини кўриб чиқиш:

- **on** предлогининг темпораллик, прагматик нуқтаи назардан семантик ва синтактик хусусиятларини, иштирок этадиган элементларнинг турли типдаги маънолар билан боғлиқлик томонларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

1. Прагматик тадқиқотларнинг ривожланишининг асосий босқичлари кузатилади ва унинг замонавий ҳолати комплекс таҳлил асосида баҳоланади;

2. Инглиз тилида предлоглар ва предлоги бирикмаларнинг турли синтактик вазифада қўлланилиши ҳамда уларнинг бевосита семантика кўрсаткичлари таҳлил этилади;
3. Матн доирасида **on** предлогининг темпорал ва макон доирасидаги семантикаси, турли бирикмалар доирасида бутун предикацияга таъсири исботланади;
4. Инглиз тилидаги предлоглар маъноларининг тадқиқи бутун гап структураси доирасида олиб борилиши инглиз тили семантикаси ва синтаксиси учун хос хусусият эканлиги ва унда предлоги бирикмаларнинг ўрни муҳим эканлиги тасдиқланади.
5. Инглиз тилидаги **on** предлогининг семантик турлари таҳлил қилинади, уларнинг феъл семантикасидаги ўрни белгиланади.

Тадқиқотнинг объектига инглиз тилидаги **on** предлоги ва ушбу предлоги бирикмаларнинг семантик маъноларини очиб беришда компазицион, дискриптив усул ва прагматик нуқтаи назардан ёндашиш.

Тадқиқотнинг материали сифатида инглиз тилидаги **on** предлоги ва уларнинг от, сифат, феъл системаси билан алоқадорлиги, инглиз тили изоҳли луғатларда келтирилган **on** предлоги маънолари ва танланган предлог ва предлоги бирикмаларга доир замонавий инглиз тили бадиий адабиётларидан йиғилган (икки мингга яқин) мисоллар асос қилиб олинди.

Тадқиқотнинг метадологик асоси қилиб темпорал бирликларнинг синтактик хусусиятлари ва улар прагматик асосда аспектual семантиканинг таҳлили ётади. Мазкур иш чет эл ва ўзбек тилшунослигидаги прагматика тилшунослигига ҳисса қўшган етук тилшунос олимлар Аустин.Ж.Л (1962), Сирли.Ж.Р (1975), Мэй.Ж.Л (2001), Жэкендоф, Рэй, Р.Лангакер, Л.Талми, Х.Ж.Веркуйл, Пирс Ч.З., Ж.Локк, Э.Кант, Вендлер, Л.Доути, Г.В. Белошапкова, А.В.Бондарко, Ю.С.Маслов, И.П.Иванова, ва бошқалар каби ўзбек тилшунослигида ҳам Сафаров Ш, Пардаев З,Б.Х.Ризаев ва бошқаларнинг ишлари асос қилиб олинган.

Тадқиқотнинг синовидан ўтказилиши. Мазкур магистрлик диссертацияси мавзуси “.....”кафедрасидамуҳокамадан ўтган.

Ишнинг тузилиши ва ҳажми. Магистрлик диссертация (....) бетдан иборат бўлиб, кириш, уч боб ва хулоса, фойдаланилган адабиётларидан ташкил топган.

Кириш қисмида магистрлик диссертациясининг олдига қўйилган мақсад ва вазифалар, мавзунинг долзарблиги, ишнинг назарий ва амалий қийматига асосланганлиги, ҳимояга қўйиладиган масалаларнинг умумий тавсифи ва таҳлил усули тўғрисида маълумот берилган.

Биринчи бобда предлоглар ва уларнинг тадқиқий йўналишлари, ҳамда предлогларнинг грамматик лексик, морфологик, синтактик соҳаларига татбиқ қилиниши, шунингдек инглиз тилидаги предлоглар, предлоги бирикмалар ва уларнинг синтактик доираси, кенг қўлланилишининг сабаблари, предлоглар ва уларнинг терминологик фойдаланиш муаммолари ёритилган бўлиб, уч бўлимдан ташкил топган.

Иккинчи бобда инглиз тилидаги темпорал бирликлар назарий жиҳатдан таҳлил қилинади предлоглар фойдалайдиган семантика яхлит композиция сифатида таҳлил этилади. Шунингдек инглиз тили предлоглари ва предлоги бирикмалари семантик гуруҳларга таснифланади. Кейинги босқичда **он** предлоги синтактик ва семантик жиҳатдан таҳлил қилинади, турлари аниқланади, мазкур йўналиш турларининг юзага келишида лексик, грамматик, гап, текст ўртасида узвий боғлиқлик мавжудлигини ёритишга ҳаракат қилинади.

Учинчи бобда **он** предлогининг боғлиқлик жиҳатлари, темпораллик ва аспектүүлликнинг лексик хусусиятлари ҳамда мазкур предлогнинг семантик майдони таҳлил этилади.

Олиб борилган тадқиқотнинг натижалари, уларнинг ҳозирги замон прагматик тадқиқотлардаги ўрни ва бу соҳага когнитив нуқтаи назардан

ёндашилиши, ҳамда уларнинг тилшуносликдаги назарий ҳамда амалий аҳамияти ишнинг хулоса қисмида ёритилади.

Мамлакатимизда хорижий тилларни ўрганишнинг миллий асосдаги жадаллаштирилган методикасини тайёрлашни тезлаштиришимиз керак».³

Юртимизда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишда янги методдаги дарсликлар ва янгича дастурлар ишлаб чиқишни тақозо этмокда. Ҳар бир чет тилини ўрганиш учун яратилаётган дарслик ва дастур миллий асосларни ҳисобга олган ҳолда яратилиши керак бўлади.

Предлогларга бағишланган ишларда одатда предлогларнинг макон, ҳаракат, жараён, вақт хусусиятлари эътиборга олинади. Предлоглар, шунингдек, предикатларни категорияларга ажратишда, кичик фреймли категориялашда ҳам муҳим ўрин эгаллаши таъкидланади. Айни дамда, предлогларнинг когнитив семантикадаги бой хусусиятлари ҳам аниқланмокда.

³ И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нуткидан.// Ш.Қурбонов ва бошқалар.Баркамол авлод орзуси (Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ни амалга ошириш борасидаги публицистик мулоҳазалар) - Т.: «Шарқ» Нашриёт матбаа концерни.1998. - 148 б.

1-БОБ. ПРЕДЛОГЛИ БИРИКМАЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ МАСАЛАЛАРИ

1.1. Предлогларнинг грамматик хусусиятлари

Предлоглар синтаксис доирасида функционал категория сифатида баҳоланади. Улар предлогли бирикмалар, фразаларнинг асосий бирлиги саналишади. Унда предлоглар отли бирикмаларда доминант вазифасини бажаришади. Шунингдек, предлоглар маълум таркибларда семантик алоқадорликга ҳам эга. Улар феъл, сифат ёки номинал бирликнинг маъносига таъсир этиш хусусиятларига ҳам эга. Мазкур алоқадорлик маълум тилшунослар томонидан концептуал муносабат сифатида ҳам қаралади. Предлоглар ўз хусусиятларига қараб лексик категория сифатида ҳам тан олинади. Ушбу ҳолда улар ҳам категориал (структура сатҳида) ҳам семантик (семантик сатҳда) танловга эга бўлишади. Бошқа предикатив категориялардан фарқли ўлароқ, предлоглар аргументларга нисбатан чеклов вазифаларини бажаради, яъни улар тематик хусусиятни касб этади. Мазкур таркибда предлоглар семантик мазмунга ҳам ўз таъсирини ўтказишади. Предлогларнинг бошқа от, сифат, феъл каби категориялардан фарқли жиҳати шундаки, уларда морфологик кўрсаткичларнинг аниқ белгилари кўзга ташланмайди. Ушбу жиҳатлар предлогларнинг предикатив категориялардаги ўрни муҳимлигини кўрсатади.

Маълумки, инглиз тилидаги предлоглар мавжуд бўлган саккизта тил бирлигининг олтинчиси саналади: от, олмош, сифат, феъл, равиш, предлог, боғловчи, ундалма.

Предлоглар от ёки олмошни гапдаги бошқа сўзлар билан боғлаш учун хизмат қиладиган тил бирлиги сифатида тушунилади.

Предлоглар ёки предлогли фразалар одатда отли объект олишади. Лекин, инглиз тили предлогларининг қўлланилиш имкониятлари кенглиги уларни сифат, олмош, феълли бирикмалардаги иштироклари билан ҳам ажралиб туради. Инглиз тилида кенг қўлланиладиган предлогларга қуйидагилар

ташқил қилади: *Aboard, about, above, across, after, against, along, among, around, at, before, behind, below, beneath, beside, between, beyond, by, down, during, except, for, from, in, into, like, of, off, on, over, past, since, through, throughout, to, toward, under, underneath, until, up, upon, with, within, without*

Умум қабул тан олинган фикрларга кўра предлог релятив бирлик саналади. У ўзида ҳам лексик ҳам грамматик маъноларни қамраб олган. Предлог, шунингдек, отли конструкциялар билан бирикканда ҳол ёки аниқловчи таркибга эга бўлади. Шу билан бирга, у бирикадиган феълнинг семантик хусусиятини очиб бериш учун ҳам хизмат қилади. Унинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири, предлог темпорал семантикани ифодаловчи восита сифатида ҳам амал қилади. Предлог номинатив бирикмалар таркибида феъл бўлмаган семантик майдоннинг яқин бўлган функционал-семантик вазифасини бажаради.

Инглиз тилида предлогларнинг феълларга бирикиши орқали ҳосил қиладиган фразали феъллар таркиби кўпчиликни ташқил этади. Фразали феъл бирикмаларидаги иккинчи компонентни аниқлаш, уларнинг функционал вазифасини белгилаш борасида олимларнинг фикрлари бир хилда эмас. Умуман олганда предлог “preposition” сўзи инглиз тилига латин тилидан ўзлашган бўлиб “олдинда жойлашган” маъносини англатади. Мазкур бирликларнинг фразали феълли бирикмаларда постпозитив жойлашуви ушбу компонентларнинг нотўғри талқин этилишига ҳам сабаб бўлган. Кўплаб тадқиқотчилар фразали феълнинг иккинчи компонентини равиш (Е.А. Зоненшейн, П. Робертс, Р.В. Пэнс, Д.В. Эмери), гап таркибидаги равиш (А.И. Смирницкий, О.С. Ахманова, В.Н. Макеев), предлогдан ясалган равиш (В.Н. Ярцева), постпозитив (И.П. Иванова), юклама (Р. Куирк, С. Гринбаум), равишли юклама (Л.И. Зильберман, И.А. Грузинская), деб номлаш ҳолларига дуч келиш мумкин.

Мазкур бирликларга нисбатан қўлланиладиган кейинги йилларда кенг тарқалган атамалардан бири “адвербал послелоглар” [3, 23-78] И. Е. Аничков

томонидан киритилган. Шунингдек, фразали феъллардаги иккинчи компонентнинг феъл семантикасига таъсири борасидаги назарий қарашлар ҳам бир хилда эмас. Кўплаб тилшуносларнинг фикрича, предлог феъл билан бирикканда ўзларининг лексик маъносини бутунлай йўқотади ва янги маъно касб этади, яъни предлогнинг маъноси феъл маъноси билан уйғунлашиб кетади. Фразали феъллар тадқиқида иккинчи компонентнинг таркибли маъноси мавжуд деган қарашлар С.Е. Гурский томонидан инкор этилади. Олимнинг таъкидлашича, феъл предлог билан бирикиш учун предлогнинг ўзида ҳам маълум маъно мавжуд бўлиши даркор. Акс ҳолда, уларнинг боғланиш имкониятлари мавжуд бўлмаслиги айтиб ўтилади.

Умумий планда инглиз тилидаги предлоглар ясалашига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

1. оддий (содда) (simple) **in, on, at, for, with** ва бошқалар;
2. ясама предлоглар (derivative) **behind, below, across, along** ва ҳакозолар;
3. мураккаб шаклга эга предлоглар (compound) **incide, outside, within, without** ва бошқалар;
4. таркибли предлоглар (composite) **because of, in front of, in accordance with** ва бошқалар.

Синтактик ва функционал вазифаларига кўра инглиз тилидаги предлоглар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. макон, ўрин жой, йўналишни англатувчи **in, on, below, under, between, across, at, to** ва бошқалар;
2. вақтни ифодалаш маъносига кўра **after, before, at, on, in** ва бошқалар;
3. боғлолчилик вазифасини бажаришига кўра **by, with, because of, with a view to** ва бошқалар.

Предлогларнинг санаб ўтилган функционал вазифаларига эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг маъно ва вазифа турлари кенг қамровли

эканлигини кузатамиз. Бу эса инглиз тилидаги предлогларнинг гап ва матн шаклланишидаги ўрни нақадар муҳим эканлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, предлог, адвербиал равишларнинг лексик-семантик, грамматик-семантик хусусиятлари ўша предлогларнинг хусусиятлари билан алоқадор эканлигидан далолат беради. Инглиз тилидаги предлог ва адвербиал равишларнинг маъно хусусиятлари уларнинг луғавий маънолари билан чекланиб қолмайди, яъни уларни луғавий аънолари асосида таҳлил этиш ушбу бирликларнинг семантик хусусиятларини тўлалигича ёритиш имконини бермайди. Чунки предлог ва адвербиал равишлар гап ва матн доирасида бевосита бошқа тил бирликлари билан ҳам муносабатга киришади. Шунинг учун ҳам предлогларнинг тадқиқида рус тилшуноси Ю.Д. Апресяннинг “оператив семантик ёндашув” [5, 439-458] назарий қарашларидан фойдаланиш предлоглар тадқиқида маълум маънода ёрдам бериши мумкин. Бунга кўра, курилаётган тил бирликларининг семантик-грамматик таркибига эътибор қаратилади. Мазкур релатив бирликлар категориал сатҳда умумий бўлган категориал грамматик хусусиятлари ва маънолари ажратиб олинади. Мазкур хусусият *муносабатга* киришиш имкониятининг мавжудлиги саналади. Маълумки, *муносабат* умумий семантик вазифа ҳисобланиб, иккита тил бирлигини битта функционал-грамматик майдонга бирлаштиради.

Муносабат тушунчаси, ўз навбатида, гап доирасидаги дифференциал вазифаларга нисбатан ҳам қўлланилади. Жумладан, инглиз тилидаги предлогларнинг функционал вазифалари маълум маънода аниқ хусусиятларга, вазифаларга эга эканлиги таъкидланади. Бунга кўра, улар макон, вақт, муносабат, номинатив бирликларни боғлаш вазифалари мавжудлиги айтилади. Предлогларнинг ушбу хусусиятлари уларнинг адвербиал равиш функцияларида қўлланилиш жиҳатларидан фарқлайди. Адвербиал функцияда улар биринчи компонентнинг грамматик

хусусиятларидан қаттиқ назар маъно белгиларини ўзгартириш учун хизмат қилади.

Предлогларнинг функционал-грамматик майдони борасида фикр юритадиган бўлсак, инглиз тилида предлогларнинг бир қанча синонимик гуруҳлари ҳам мавжудлигини кузатиш мумкин. Мазкур гуруҳлаш умумий парадигма асосида олиб борилиш жараёнида субкатегориал сатҳда амалга оширилади ва предлогларнинг семантик-грамматик таркибига кўра кичик гуруҳларга ажратилади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, тил маълумотларидаги қарийиб барча синонимик парадигмалар аниқланган: **ҳол** вазифаси билан алоқадор бўлган: макон, темпорал, каузал, финал, ўлчов, даража, миқдор, трансгрессив; **объект** билан алоқадор: делибиратив объект, ўриндошлик, комитатив, аблятив, инструментал; аниқловчи билан алоқадор: поссессив, дистрибутив, квантатив, преформатив ва бошқалар. Келтирилган синонимик гуруҳларда мазкур парадигмага тегишли бўлган предлоглар хусусида тўхталадиган бўлсак, улар ушбу ҳар бир синонимик парадигмага тегишли ҳисобланади.

Парадигмаларда кичик гуруҳларга ажратилиш имконига эга бўлган тил бирликлари ичида макон билан алоқадор предлоглар саналади. Чунки, макон билан боғлиқ предлоглар инсон когнициясида биринчилар қатори эътиборга олинadиган, фарқлаш жиҳатларига учрайдиган бирликлар қаторида туради. Макон билан боғлиқ предлоглар семантикаси облигатор бирлик сифатида, биринчидан, бошланғич семантик қаторда трансформацияга учрайдиган (локатив, директив) ва мураккаблашиш жараёнига эга. Иккинчидан, семантик хусусият дестинатив (мўлжалланган макон нуктаси), ва учинчидан эса, семантик хусусият инструментатив ва медиатив (усул, восита, ҳаракат воситаси) маъноларида юзага келади. Қолаверса, ушбу учала семантик хусусият, одатда, “макон ва замон” доирасида аниқланади. Таъкидлаб ўтилган мазкур маънолар асосида предлоглар ўзига хос кичик

парадигмаларни ташкил қилишади: локатив, директив, дестинатив, инструментал, темпорал ва бошқалар.

Қолаверса, предлогларнинг макон билан алоқадорлик маънолари таҳлили шуни кўрсатадики, улар экстралингвистик ҳодисалар билан ҳам узвий боғлиқликка эга. Экстралингвистик ҳодисалар қиёслаш натижасида қўлланиладиган ва предлогларнинг кўчма маънода қўлланилиши натижасида ҳосил бўладиган ҳодиса сифатида қаралади.

Тиллар орасидаги қиёслашда ўзига хос ўрин тутадиган предмет-концептларнинг таққосланиши концептларнинг вербаллашуви, лингвомаданиятларнинг этнологик хусусиятларини очиқ беришда муҳим ўрин тутайди. Бу таққослаш жараёнида биринчидан, семантиканинг референциал ва прагматик хусусиятлари ажратилади ва таққосланаётган тиллардаги эквивалентлари олинади. Тилларнинг лексик тизимини қиёсий тадқиқ этишда бир маъноли лексик birlikларнинг қўлланилиш қонуниятлари ва “грамматик нутқ”нинг ҳосил бўлишида ҳар бир тилга хос бўлган маълум бир маъноларнинг функционал семантик вербаллашувига қаратилиши лозимлиги [12, 6-7] В.Г.Гак томонидан таъкидланади. Қиёсланаётган birlikларда қиёсланиш учун олинган объект ҳам муҳим ўрин тутайди. Жумладан қиёсий типологик тадқиқ учун олинган объект ушбу тилларда бирор лингвистик майдонда олиб борилиши зарур. Албатта танланган объект ўзига хос назарий аҳамиятга эга бўлиши даркор. Тадқиқотларни қайси тил сатҳларида олиб борилиши хусусида фикрлар мавжуд: “Тилларни назарий мақсадларда лексик сатҳда қиёслаш барча боғланишга эга бўлган лексик парадигматик гуруҳлар структураси ва инвентари, семантик ва ассоциатив майдонлар, лексик-семантик гуруҳлар, синонимик қаторлар, антонимик жуфтликлар ва эквивалент сўзларни тақазо этади”[38, 58].

Тил тизими турлича сатҳлардан иборат бўлишига қарамасдан, қиёсий типологик жиҳатдан ўрганишда тадқиқотчиларнинг диққат марказида гап

асосий ўринни эгаллайди. Гап тузилиши ўз структурасига кўра барча тилларга хос бўлгани билан улар турли тилларда ҳар хил структура ҳосил қилиши мумкин. Ўз ўзидан маълумки, бундай ҳодисалар қиёсий типологик жиҳатдан таҳлил қилишда кўзга ташланади. Хусусан тушунчавий структура категориясини ташкил этадиган семантик майдон таққосланадиган тиллардаги майдоннинг барча сатҳлари учун умумий ҳисобланади [28]. Семантик майдонда тиллар ўртасидаги ўхшашлик ва ноўхшашлик ҳодисалари намоён бўлади. Албатта семантик майдон ва прагматик тушунча кўпгина ҳолларда чалкаш изоларга дуч келинади. Прагматик лингвистикада муҳим ўрин тутадиган тушунчалардан бири бу дискурс тушунчаси ҳисобланади. Дискурс тушунчаси лингвистик атама сифатида ўтган асрнинг ўрталарида тилшуносликка кириб келди. Тилшуносликда у дастлаб гап ёки нутқда боғланилган ва келишилган оқибат сифатида тушунилган бўлса, замонавий лингвистикада мураккаб коммуникатив ҳодиса сифатида ишлатилмоқда. Мулоқат жараёнида мазуга оид маълум маълумотлар предлогларнинг қўлланилишига ҳам бориб тақалади.

Инглиз тилида предлоглар семантик таркиб, семантик муносабат, фреймлар ва фреймларнинг кичик категорияларга ажратиш жараёни билан ҳам алоқадор. Шу нуқтаи назардан, предлогларнинг лингвистик мазмуни, когнитив хусусиятлари, синтактик вазифалари борасида кўпгина тадқиқий ишлар олиб борилган. Мазкур тадқиқотларда предлогларнинг умумий хусусиятлари ёки маълум кичик гуруҳга алоқадорлик жиҳатларига эътибор қаратилган. Мисол учун, макон ёки вақт маъноларини ифодаловчи предлоглар ва уларнинг маъно таркибларига ўхшаш ҳолатлар тадқиқот объектлари сифатида қаралган. Албатта, тилшунослик соҳасида янги йўналишларнинг пайдо бўлиши предлогларнинг функционал жиҳатлари, семантик маъноларини аниқлашга бўлган ҳаракатлар қайта жонланишига сабаб бўлмоқда.

Предлоглар синтактик муносабатларда функционал категория сифатида қаралади. Улар предлогли фразаларнинг асосий компоненти бўлиб хизмат қилади. Иреархик нуқтаи назардан предлоглар номинатив фразаларнинг доминант белгиси саналади. Шунингдек, предлоглар номинал ёки феълли предикатларда орасидаги муносабатларда семантик алоқа вазифасини ҳам бажаришади. Мазкур алоқадорлик концептуал муносабат сифатида ҳам қаралади. Қолаверса, предлоглар лексик категория сифатида ҳам амал қилишади. Улар ҳам категориал (таркиб микёсида) ҳам семантик танлов (семантик сатҳда) вазифасини бажаради. Бошқа предикатив категорияларга нисбатан предлоглар аргументли структуралада чекловчи хусусиятига ҳам эга. Улар ушбу ҳолларда тематик вазифа ва семантик мазмунга эга бўлишади. Предлогларнинг бошқа очиқ категориялардан (мисол учун от, сифат, феъл кабилар) фарқи шундаки, улар морфологик сатҳ сифатида талқин этилишмайди. Мазкур талқин предлогларнинг фундаментал предикатив ва муносабат табиатини очиб бериш учун хизмат қилади.

Замонавий инглиз тилида элликка яқин предлоглар мавжудлиги келтирилади. Улар ўз функционал вазифалари, семантик муносабатга киришиш имкониятларига кўра турли вазифаларни бажаришади. Уларнинг умумий таркиби қуйидагича: *aboard, about, above, across, after, against, along, amid, among, anti, around, as, at, before, behind, below, beneath, beside, besides, between, beyond, by, despite, down, during, except, excepting, excluding, following, for, from, in, inside, into, like, near, of, off, on, onto, opposite, outside, over, past, per, plus, round, save, since, than, through, to, toward, towards, under, underneath, unlike, until, up, upon, versus, via, with, within, without.*

Предлогларнинг тематик вазифаси мавҳумий ҳисобланади, чунки у предикатлар ва уларнинг компонентлари ўртасида семантик муносабат ўрнатади. Предикатлардаги ҳар бир компонент маълум тематик вазифани бажаради. Улар предикат доирасидаги компонентларнинг семантик муносабати ёки умумий хусусиятларини кўрсатиш учун хизмат қилади.

Мазкур нуқтаи назардан, тематик мавзу семантик намойишнинг биринчи даражаси деб қаралади.

Here is a partial list of roles, which is however generally agreed upon:

agent: the entity who intentionally initiates, makes or originates the action described by the predicate,

patient: the entity that undergoes the action described by the predicate, it is often an animate entity,

theme: the entity moved (in a very general sense) as a consequence of the action expressed by the predicate, it is often a non-animate entity,

experiencer: the entity that experiences some psychological state resulting from the predicate,

goal, source, location: are roles related to spatial, temporal or abstract fields, expressing respectively the goal, the source or the position of a temporal, spatial or abstract entity [45].

Предлогларнинг вазифаларига кўра умумий мазмун моҳияти куйидагича кўриниш олиши мумкин:

Агенс: предикат томонидан тасвирланган ҳаракатнинг объект билан муносабатга кириши.

Пациенс: предикат билан англашилган ҳаракатга нисбатан восита вазифасини ўтайди.

Умумий маънода предлог маъноларини аниқлаш уларнинг қўлланилиш имкониятларини аниқлаш орқали амалга оширилади. Ушбу ҳолда уларнинг иккита критерияси эътиборга олиниши муҳим: 1. Предлог билан бошқариладиган номинатив бирликнинг семантик вазифаси ва доминант белгини аниқлаш, шу билан бирга мазкур бирикмаларнинг стабиллиги ҳамда уларнинг бирикиш табиатига эътибор қаратиш; 2. Луғавий маъноларидаги изоҳлар предлогларнинг когнитив ва прагматик факторларини тўлалигича ёритиб бера олмаслиги мумкин.

Предлогларнинг табиати ва уларнинг маънолари таснифи борасида машҳур рус тилшуноси А.А. Шахматов ҳам маълум фикрларни билдириб ўтган. Олимнинг қарашларича предлогларда алоқадорлик ва муносабат семантикаси ҳар доим ҳам мавжуд. Предлогларнинг умумий таснифини А.А. Шахматов қуйидагича таклиф этади: 1. Комотатив. 2. Каузатив. 3. Финал. 4. Аблатив. 5. Дистрибутив. 6. Модал. 7. Трансгрессив. 8. Делибератив. 9. Посессив. 10. Компаратив. 11. Темпорал. [1353-69]. В.В. Виноградов эса предлоглар таснифи билан боғлиқ масалаларга чуқурроқ ёндашди ва рус тили таркибидаги предлоглар таснифини анча кенгайтди. Олим “Грамматические отношения, обозначаемые предлогами, их семантическая сущность разъяснены недостаточно” деб таъкидлаб ўтган эди. У рус тилидаги предлоглар англатадиган муносабат турларини қуйидагича келтириб ўтади: 1. Локатив, макон билан алоқадор; 2. Темпорал ва вақт муносабати предлоглари; 3. Комитатив; ҳамкорлик, биргалик, ўзаро ҳамкорлик ва бирга кузатишни англатувчи; 4. Аблатив; тозалаш, предметни бирор макондан олиш, ўзаро қарама-қарши қўйиш кабилар; 5. Трансгрессив; бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишни англатувчи; 6. Инхоатив-финитивли; даражани, чегарани, кузатув жараёнидаги бошланғич нуқтани кўрсатишни ифодаловчи; 7. Квантатив; миқдорий белгиларни билдирувчи; 8. Дистрибутив; тақсимлаш ва бўлақларга ажратиш маъносивида қўлланилувчи; 9. Лимитатив; ҳаракат ва муносабат ёки номинатив бирликлар билан ифодаланадиган ҳаракатларни чекловчи; 10. Посессив; тегишлиликни англатувчи; 11. Генетик ёки генетив; асосини, таркибини, келиб чиқишини ифодаловчи; 12. Компаратив; таққослаш маъносида қўлланилувчи; 13. Тасаввур, тасвир муносабатларининг модал ва ҳаракат тарзи хусусиятларини англатувчи; 14. Финал, мақсадли; мақсад муносабат ва ҳаракатнинг сўнгги нуқтасини ифодаловчи; 15. Каузал ва сабабли; каузатив, таъсир этувчи ва унинг натижасини билдирувчи; 16. Инструментал; восита билан алоқадор; 17. Делибератив; мазмунни кўрсатиш учун хизмат қиладиган, шунингдек

хиссиёт, нутқ, фикр предметиға қаратилган муҳокаманинг асоси, сабабини англатувчи; 18. Ички мазмунга бўлган муносабат; 19. Ўрнини эгаллаш; бирор маконда ёки бирор шахснинг функционал вазифасини бошқа томонидан бажарилиши маъносини ифодалашда қўлланиладиган; 20. Ички тегишлилик муносабати; 21. Яқинлик ёки чора-тадбир муносабати билан боғлиқ [10, 537-540].

Рус тилидаги В.В.Виноградов таклиф этган таснифдан маълумки маълум муносабатдаги предлоглар турли сатҳлардаги маъно белгилари ҳам эътиборга олинган. Мазкур таснифнинг эътиборли томони шундаки, унда предлогларни турли даражадаги сўзларнинг маънолари ҳам назардан четда қолмайди.

Баъзи ҳолларда предлогларнинг маълум сўзлар билан бирикиши натижасида юзага келадиган маънолар берилган сўзларнинг синтагматик фарқи ва предлогларнинг парадигматик маънолари асосида юзага келади.

Предлогларда модал муносабат тасфири, ҳаракат тарзи хусусиятларининг мавжудлигини аниқлашда нафақат сўзларнинг семантик муносабатлари, балки гап доирасидаги бирликларнинг синтактик муносабатлари ҳам муҳим ўрин касб этади. Ҳаракат тарзи билан алоқадор маъноларнинг шаклланиши бевосита темпорал ва локатив хусусиятга эга предлоглар доирасида ҳам кузатиш мумкин.

Морфологик нуқтаи назардан предлоглар инглиз тили тарихидаги тилдаги ўзгаришлар жараёнида кўп ҳам инфлексияга учрамаган категориялардан саналишади.

Предлоглар инглиз тили грамматикасида ўрганиладиган катта тўққизта категориялардан бирига тегишли саналади. Улар маълум релатив синф сифатида қаралади. Чунки, улар ўз шаклий ва мазмуний хусусиятларига кўра ўзгариш ҳосил қила олмайди. Предлоглар инглиз тилида бошқа тил бирликларининг маъно деривациясини шаклланишини юзага келтиришда функционал вазифани бажаради. Предлоглар таркибидаги формал

ўзгаришлар ички сўз ясалиш жараёнининг кўрсаткичлари ва граматикалашув хусусиятлари деб тан олинади.

Одатда инглиз тилидаги предлогларга тариф берилаётганда уларни от, олмош ёки сифат олдида қўлланиладиган сўз деб таъкидланади. Уларнинг вазифаси эса берилган ушбу сўзларни боғловчи, бошқа сўз билан айтганда предлогларнинг ўша сўзларга алоқадорлик деб қаралади. Шунинг учун ҳам предлоглар маълум семантик таснифларга учрайди. Жумладан, Кобулт грамматикасида бўлак ва қарам предлог турларига ажратилади. Бўлак предлоглар бошқа тил бирликларига қарам бўлмаган ҳолда қўлланиладиган предлоглар ҳисобланади. Улар ўзларининг лексик маъноларига эга бўлишади. Қарам предлоглар бошқа сўзлар билан бириккан ҳолда ёки сўзларни бир бири билан боғловчи вазифаларини бажарган ҳолда келади.

Қарам доирада талқин қилинадиган предлоглар одатда қуйидаги бирикмаларни ташкил этишади: равиш+предлог (Adverb+Preposition), равиш+от+предлог (Adverb + Noun + Preposition), предлог+от+предлог (Preposition + Noun + Preposition) [37, 199]. Мазкур конструкцияларда предлоглар равишли ва сифатли фразаларнинг турларини шакллантириш учун хизмат қилади. Палмер таъкидлашича, предлогларнинг синтактик белгилари ўзи бошқарадиган фразаларда объектдан один келишида муҳим саналади. Қачонки предлог билан бошқариладиган объект гап доирасида келганда, у нафақат сўз билан бирга келади, балки ўша сўзнинг гап таркибидаги жойини ҳам белгилаб келади.

Инглиз тилидаги предлогларнинг грамматик қўлланилиши борасида ҳам турлича қарашларни учратиш мумкин. Жумладан, Кёрмнинг келтиришича, инглиз тилида предлоглар ўзи бошқарадиган от ёки олмошнинг маълум хусусиятини, олмош ва от муносабатини кўрсатиш учун хизмат қилади. Олимнинг таъкидлашича, предлоглар фақатгина от ва олмошни бошқариб қолмасдан бошқа тил бирликлар, хусусан феъл, сифатларни ҳам бошқариш имкониятига эга. Кёрм предлогли бирикма

тушунчасида предлог+предлогли объект таркибли бирикмалар ётишини айтиб ўтади. Бунинг натижасида предлогли бирикма ва предлогли бирлик тушунчалари юзага келади. Предлогли бирикма атамаси предлогли фраза назарда тутилса, предлогли бирлик тушунчасида предлогнинг объекти якка сўз бўлиши эътиборга олинади. Олимнинг келтиришича, предлогли бирлик адвербиал, объект сифатида, предикатив ва атрибутив муносабатларда сифат элементи бўлиб келади. Кўрм, шунингдек, инфлексив предлоглар деб номланувчи махсус предлоглар синфи ҳақида ҳам сўз юритиб ўтади. Унинг фикрича инфлексив предлоглар тарихий тараққиёти жараёнида ўзларининг оригинал, туб маъноларини йўқотишган ва айнаи дамда предлог маънолари сезилмайди. Натижада, улар қадимги инфлексив қўшимчаларни ўрнини эгаллаган, маълум грамматик муносабатларни англатадиган инфлексив юкламалар даражасига тараққий этишган [41, 91]. Бу, қадимги инглиз тили давридаги от, сифатлар ўзларининг қадимги инфлексив қўшимчаларини йўқотгандан сўнг маълум предлоглар чиқиш, жўналиш келишиги маъноларини англатиш, шакллари янаи учун ҳам қўлланила бошланган. Феъл системаси доирасида феълдан кейинда турган предлог ўтимсиз феълга ўтимли хусусият касб этиш учун фойдаланилган.

Замонавий инглиз тилидаги предлоглар морфологик нуқтаи назардан содда ва мураккаб предлоглар туркумида фарқланади. Содда предлоглар якка сўздан иборат бўлиб, ўз қўлланишига кўра тез-тез учрайди. Улар ўзларининг фонологик мезонларига кўра кўп буғунли ва бир буғунли кичик гуруҳларга бўлинади. Мураккаб предлоглар деб, икки ёки уч сўзларнинг ўзаро боғланишидан ёк ушбу вазифани бажарадиган предлогларга нисбатан қўлланилади. Предлогларнинг синтактик муносабатлари предлогли фразалар таркибида олиб борилади, яъни предлог+предлогли объект шаклида аниқланади. Предлогли объект, одатда, номинатив бирликли фраза, номинатив (wh-clause) эргаш гапларда, номинатив –ing бирикмали гапларда

кўзга ташланади. Предлогли фразаларнинг синтактик функциялари орасида асосан қуйидагиларни келтириш мумкин:

- a. postmodifier in a noun phrase
- b. adverbial
- c. complementation of a verb
- d. complementation of an adjective

Предлоглардаги маъноларнинг ўзгариши сабаб, шу соҳа билан шуғулланувчи кўплаб олимлар, муаллифлар турлича қарашларга эга. Жумладан, Куирк “Предлогларнинг маънолар шунчалик мураккабки, улар кўпгина ҳолларда ўз предлогли хусусиятларини йўқотишлари ҳам мумкин. Бунинг натижасида семантик қарама-қаршиликлар юзага келиши ҳам кўзга ташланади “[47, 573], деган фикрни билдиради. Муаллиф предлогларни семантик таркибини қуйидаги хусусиятларини келтириб ўтади:

- a. prepositions expressing time relations
(position: point, period; duration: starting point, period, terminal point)
- b. prepositions expressing space relations
(position: point, line, surface, area; movement: direction, destination)
- c. prepositions expressing the cause/purpose spectrum
(cause, reason, motive, purpose, destination, target)
- d. prepositions expressing the means/agentive spectrum
(manner, means, instrument, agentive, stimulus)
- e. prepositions expressing accompaniment
- f. prepositions expressing support and opposition
- g. other prepositional meanings
(concession, respect, exception, addition, negative condition) [38, 477-507]

Байбер предлогларни маълум бирикмаларни ҳосил қилувчи восита деб қарайди. У ҳам предлогларни мустақил ва боғланган турларга ажратади. Унинг ушбу тақсимооти юқорида таъкидланган содда ва мураккаб предлогларга ўхшаб кетади. Муаллифнинг фикрича мустақил предлоглар

Ўзларининг мустақил маъноларига эга, яъни предлог танлови контекст доирасида маълум бир сўзнинг қўлланилишига боғлиқ эмас. Боғланган ёки мураккаб предлоглар маъно жиҳатдан тўлалигича мустақил эмас. Уларнинг маъно хусусиятлари у билан бириккан сўзга боғлиқ (бу кўп ҳолларда сифат, от ёки феъл бўлиши мумкин) [37, 74]. Боғланган предлоглар содда ва мураккаб предлогларни фарқлайди. Шунга кўра улар икки сўзли предлог, уч сўзли предлог ва баъзан тўрт сўзли предлогли бирикмаларни ҳосил қилиши мумкин.

Инглиз тилидаги **on** предлоги қадимги Ҳинд-европа тиллари оиласига (*an(ō)*) бориб тақалади. Ушбу предлогнинг асослари Қадимги Ҳинд тилидаги *ánu*, Қадимги форс тилидаги *anu*, Авестодаги *ana*, Қадимги фриз тилидаги *an-*, Қадимги Арман тилидаги *amin*, Лотин тилидаги *an-hēlō*, Қадимги Ирланд тилидаги *an-dess/an-iar*, Қадимги Гот тилидаги *ana*, Қадимги Руник ёзувларида учраган *ana*, Қадимги Саксон тилидаги *an(a)*, Қадимги Юқори Немис тилидаги *an(a)* саналишади.

1.2. Предлогларнинг луғавий тавсифи

Предлоглар бошқа гап бўлаклари сингари бир неча маъноларга эга бўлиши мумкин. Уларнинг кўпчилиги ўзларининг кўп маънолилиги билан ҳам ажралиб туради. Кўп маъноли сўзларни тадқиқ этишда мазкур сўзларнинг бўлак маъноларини аниқлаш масаласи туради. Шу каби масала предлогларнинг кўп маънолилиги билан ҳам боғлиқ. Иккинчи масала эса, ушбу маъноларнинг ўзаро алоқадорлиги, кўп маъноли сўзлар таркибига киритилиши, умумий компонентларининг аниқланиши, ассосиатив белгиларини фарқлаш саналади.

Предлогларнинг луғатлардаги маънолари ҳар доим ҳам чекланган ҳолда берилган бўлиб, уларнинг матн доирасида ифодадай оладиган барча маъноларини қамраб олаолмайди. Жумладан, маълум бир предлогни турли луғатларидаги маъноларини таққосласак ҳар доим ҳам бир хилликни учрата

олмаймиз. Уларда ифодаланадиган маънолар миқдори фарқ қилади. Жумладан, Д.Беннет предлоглардаги луғавий маъноларининг миқдорий кўрсаткичлари хусусида фикр юритаркан “бирор лексемани маъноларини аниқлашда миқдорий кўрсаткичларга эътибор қаратиш бошқа бирликлар каби предлог семантикасини аниқлашдаги энг мураккаб масалаларда бири”, деб таъкидлайди [36, 5]. Албатта, бу каби мураккаблик нафақат предлог, балки бошқа тил бирликлари мисолида ҳам учраши табиий ҳолдир.

Умумий ҳолда семантика тарихи иккита жараёни бошидан ўтказди: булардан биринчиси абсолютлаштириш ғояси бўлса иккинчиси ҳар бир тил бирлигини моносемиялаштириш ғояси саналади. Аммо сўнгги йиллардаги семантика назариясида маълум ўзгаришлар содир бўлди. Улардаги ижобий ўзгариш деб, бевосита полисемияни киритиш мумкин. Полисемия маълум нормалардан холи бўлган ва барча маъно англатувчи тил бирликларига хос хусусият сифатида табиий тилнинг шаклланиш хусусиятлари ва функционал қўлланилишини қамраб олади [27, 3-20].

Предлогларнинг мунозарали хусусиятларини эътиборга олган ҳолда мазкур магистрлик диссертация тадқиқода кўриладиган методологик асосларини қуйидагича белгиларда таҳлил этамиз: а) предлоглар гап ёрдамчи бўлаклари сифатида тан олинади; б) предлоглар ўз лексик маъноларига эга бўлиш билан бирга турли типдаги муносабат белгиларини ифодалай олиш имкониятига эга; в) предлогли бирликларнинг кўп манолилиги ва семантик мураккаблигига эътибор қаратиш; г) предлогларнинг лексик-грамматик таркиби мураккаб иерархик системани ташкил этади; д) предлогларнинг категориал белгилари бошқа бирликларга нисбатан релятив эканлиги; е) предлогларнинг синтактик жойлашуви объектли, яъни номинатив, атрибутив, феълли муносабатларда ўз аксини топади.

Предлогларнинг лексик, грамматик, семантик хусусиятларини англаш предлогли бирикмаларни фразеологик бирикмалардан фарқлаш имкониятини беради.

on /On, An/ *prep., adj., adv.* **1** touching, being supported by, or hanging from something: *I got mud on my pants.* | *pictures hanging on the wall* | *a child sitting on her dad's shoulders.* **2** if you have a piece of clothing on, you are wearing it: *He came to the door with his coat on.* **3** in a particular place or area of land: *The answer is on page 44.* | *They built a fence on our land.* **4** at the side of something such as a street, road, or river: *a restaurant on the river* | *the stores on Rodeo Drive* **5** at some time during a particular day: *Is there a meeting on Monday?* | *a party on her birthday* | *On May 10, Johad a baby girl.* **6** continuing without stopping: *Go on, Cheryl. What happened next?* | *The peace talks dragged on* (=continued slowly) *for months.* **7** forward or ahead, toward a particular place: *We drove on to Kansas City.* | *You guys go on without me.* **8** later or after a particular time: **From that day/point/time on**, *he started eating healthy foods and exercising.* **9** being broadcast by a television or radio station, or recorded on something: *Keillor's program on the radio* | *a movie available on video* | *The news will be on at six.* **10** about a particular subject: *a book on China* about, concerning, regarding. **11** used in order to show who or what is affected by an action: *a new tax on imported wine* | *The divorce was hard on Jill.* | *medical testing done on rats* **12** using something: *Sam's on the phone.* | *a piece featuring Hawkins on saxophone* | *a report done on the computer* | *I cut myself on a piece of glass.* **13** in a particular direction: *The Mayor was sitting on my right.* **14** in or into a vehicle such as a bus, airplane, train, etc.: *Did you sleep on the plane?* | *I got on at Vine Street.* **15** taking part in an activity or traveling somewhere: *They met on a trip to Spain.* **16** included in a team or group, or in a list: *She's on the volleyball team.* | *an item on the agenda* **17** operating or working **ANT off**: *The TV was on.* | **Turn on** *the light.* **18** taking a medicine or drugs: *She's on antibiotics.* **19 have/carry smth. on you** (informal) to have something with you now: *Do you have a pen on you?* **20** (spoken) used in order to say that someone is paying for something: *Dinner's on me tonight.* **21** if an event is on, it will happen: *There's a jazz festival on this weekend.* **22** (informal) if something bad happens on someone, it happens when

s/he is not expecting it: *You can't just quit on me!* → HEAD-ON, **later on at LATER1, on and off at OFF** [5]

Маълумки, мантикий нуқтаи назардан предметлар макон ва вақт муносабатлари билан алоқадорликда мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳам предлогларнинг аксарият қисмида мазкур тушунчалар билан боғлиқ маъно хусусиятларини кузатишимиз мумкин. Демак, предлоглар орқали юзага келадиган муносабат турлари макон ва замонда мавжуд бўлади. Агарда у ёки бу предлог маълум бир муносабатни кўрсатгичи бўлиб хизмат қилса-да, муносабат тушунчаси турли аспектга тегишли саналади.

Предлогнинг маъно муносабатларининг ўзгаришини трансформацияга учратиш орқали кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз: I saw the book on the table —1. I saw the book, it was on the table; 2. I saw the book on the table when I was in the house. On предлоги макон маъноси билан боғлиқ, яъни предметнинг юқори қисмида жойлашувини аниқлашга қаратилади. Масалан: I love fresh snow on the ground. Put tablecloth on the table, please. **On** предлоги вақт билан алоқадорлик маъноси.

Берилган мисолларда локатив ва темпорал семантиканинг боғлиқлик жиҳатлари кўрсатилган. Шунингдек, инглиз тилида маълум предлоглар темпорал ва локатив семантикани сабаб ҳамда натижа семантикаси билан уйғунлашиши мавжудлигини ҳам кузатиш мумкин: Some travellers were died on a cold winter day in the mountains (қаерда, қачон, сабаб). Предлогни ўзгартимасдан бирикмалардаги маълум сўзларнинг ўзгартирилиши ориентацияни маълум маънода ўзгаришига ҳам сабаб бўлиши мумкин: He fell in love on a cold winter day. Мазкур мисолда кишининг совуқ куни шахснинг маълум ҳис-туйғиларини бошланиш вақти сифатида намаён бўлмоқда.

ON предлоги маънолари талқини инглиз тили изоҳли луғатларида берилган маъноларга эътибор қаратсак ҳар доим ҳам бир хилдаги изоҳларни учратавермаймиз. Хусусан, Оксфорд луғатида қуйидаги маънолар берилганлигини кузатиш мумкин:

***(up)on someone** - Fig. to be someone's obligation or responsibility. (*Typically: be ~; lie ~.) *The obligation is upon you to settle this. The major part of the responsibility is on you.* ***on someone or something** -[incriminating or harmful information] about someone or something. (*Typically: get something ~; have something ~; give someone something~.) *I've gotten something on Albert that would really shock you. She is trying to get something on her husband so she can divorce him.*

on something -1. Taking a medication. *I am on an antibiotic for my chest cold. –I want you to be on this drug for another week.* Taking an illegal drug or controlled substance and acting strangely. *What is the matter with that kid? Is he on something?*

1. a. used to indicate position above and supported by or in contact with: *The vase is on the table.* Vaza stol ustida. *We rested on our hands and knees.* b. Used to indicate contact with or extent over (a surface) regardless of position: *The picture is on the wall.* c. Used to indicate location at or along: *the pasture on the south side of the river.* d. Used to indicate proximity: *a town on the border.* e. Used to indicate attachment to or suspension from: *beads on a string* f. Used to indicate figurative or abstract position: *on her third beer* – uchinchi qadahida; *stopped on chapter two* .

2. a. Used to indicate actual motion toward, against, or onto: *jumped on the table* – stolga sakradi; *the march on Washington*; b. Used to indicate figurative or abstract motion toward, against, or onto: *going on six o'clock*; *came on the answer by accident.*

3. a. Used to indicate occurrence at a given time: *on July third* ; *every hour on the hour*; b. Used to indicate the particular occasion or circumstance: *On entering the room, she saw him*;

4. a. Used to indicate the object affected by actual, perceptible action: *The spotlight fell on the actress*; b. Used to indicate the object affected by a figurative action: *Have pity on them*; c. Used to indicate the object of an action directed,

tending, or moving against it: *an attack on the fortress* ; d. Used to indicate the object of perception or thought: *gazed on the vista; meditated on his actions*; 5. Used to indicate the agent or agency of a specified action: *cut his foot on the broken glass; talked on the telephone*; 6. a. Used to indicate a medicine or other corrective taken or undertaken routinely: *went on a strict diet*; b. Used to indicate a substance that is the cause of an addiction, a habit, or an altered state of consciousness: *high on dope*; 7. a. Used to indicate a source or basis: "*We will reach our judgments not on intentions or on promises but on deeds and on results*"; b. Used to indicate a source of power or energy: *The car runs on methane*; 8. a. Used to indicate the state or process of: on leave; on fire; on the way. *We are just on leave. The house was on fire. On the way home I bought a bottle of wine*; b. Used to indicate the purpose of: *He was travelling on business*; c. Used to indicate a means of conveyance: *I don't like to ride on a train*; d. Used to indicate availability by means of: *beer on tap; a physician on call*; 9. Used to indicate belonging to: *a nurse on the hospital staff*; 10. Used to indicate addition or repetition: *heaped error on error*; 11. Concerning; about: *a book on astronomy*; 12. Informal In one's possession; with: *I haven't a cent on me*; at the expense of; compliments of: *drinks on the house*.

Инглиз тилининг яна бир Collins Thesaurus of the English Language лугатида куйидаги маънолари келтириб ўтилади:

1. In or into a position or condition of being supported by or in contact with something: *Put the coffee on; Put the powder on your face*.
2. in or into a position of being attached to or covering something: *Put your clothes on*;
3. In the direction of something: *He looked on while the ship docked*; 4. a. Toward or at a point lying ahead in space or time; forward: *The play moved on to the next city*; b. At or to a more distant point in time or space: *I'll do it later on*;
5. In a continuous course: *He worked on quietly*;

6. a. In or into performance or operation: *Turn on the radio*; b. In progress or action; in a state of activity: *The show must go on*;
7. In or at the present position or condition: *stay on*; *hang on*;
8. In a condition of being scheduled for or decided upon: *There is a party on tonight* – Bu kecha o'tirish bor (rejalashtirilgan, qaror qilingan).
9. Continuously, for a long time, at length, ceaselessly, without a break, without end: *She chattered on brightly and aimlessly for several minutes*.
10. occasionally, sometimes, at times, from time to time, now and then, irregularly, on occasion, periodically, once in a while, every, so often, intermittently, at intervals, sporadically, off and on, fitfully, spasmodically, by fits and starts, discontinuously, (every) now and again, (every) now and then: *They have been fighting on and off throughout their married life*.
11. on and on interminably, for a long time, for ages, continuously, without a break: *His voice went on and on in her ear*¹. 1. on - with a forward motion; "we drove along admiring the view"; "the horse trotted along at a steady pace"; "the circus traveled on to the next city"; "move along"; "march on" along
2. on - indicates continuity or persistence or concentration; "his spirit lives on"; "shall I read on?"; 3. on - in a state required for something to function or be effective; "turn the lights on"; "get a load on"; a. Engaged in a given function or activity, such as a vocal or dramatic role; b. Under or behaving as if under observation: *A minister is always on*; 3. Informal: Functioning or performing at a high degree of competence or energy: *The goalie is really on*;
4. a. Planned; intended – rejalashtirilgan; niyat qilingan: *We have nothing much on for this weekend*; b. Happening; taking place – sodir bo'layotgan, yuz berayotgan: *The parade is on*; 5. Baseball Having reached base safely; on base; on - in operation or operational; *left the oven on*"; "the switch is in the on position", antonym: off - not in operation or operational; "the oven is off"; "the lights are off"; on - (of events) planned or scheduled; "the picnic is on, rain or shine"; "we

have nothing on for Friday night"; Ant: cancelled, off - (of events) no longer planned or scheduled; "the wedding is definitely off" – "to'y qoldirilgani aniq" [4]. Келтирилган изоҳли луғавий маъноларнинг аксари бир-бирига яқин бўлсада, уларнинг ҳамма маънолари бир-бирига тўлиқ мос келадиган фикрдан йироқмиз. Албатта, келтирилган баъзи луғатларда қўшимча семантик маъноларга ҳам маълум маънода эътибор қаратилганлиги маъно турларининг, изоҳларнинг фарқланишига сабаб бўлиш эҳтимоли мавжуд.

1.3. Предлоглар ва ва адвербиал равишлар муаммоси

Адевербалларнинг формал семантикаси ҳоҳ ички ҳоҳ интенсив бўлишига қарамасдан улар ёрдамида ясаладиган ибораларнинг семантик интерпретациянинг ўрганиш майдони билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Улар замон, аспект ва темпорал маркерлар билан муҳим алоқадорликка эга бўлиб, уларнинг (адевербаллар) тадқиқоти замон ва аспектдан ажралмас бўлагига айланди. Албатта вақт, замон адвербалларининг тадқиқи бевосита феъл семантикаси тадқиқини белгилайди. Шу давргача кўпгина тиллар доирасида темпорал адвербалларнинг алоҳида тадқиқотлари ва шунингдек уларнинг замон билан алоқадорлик хусусиятлар тадқиқотлари олиб борилган. Адвербиаллар фақатгина темпорал хусусиятга эга бўлмасдан локатив адвербиаллар ҳам мавжуд бўлиб улар ҳам феълнинг замон ва аспект семантикасини очиб беришда муҳим ўринга эга. Умумий маънода темпорал адвербиаллар лексик ва синтактик кўринишга эгадир.

Бирор бир тилдаги сўз фақатгина парадигматик таҳлилгагина эмас, балки синтагматик таҳлилга ҳам мансубдир, чунки улар ҳар доим конкрет нутқда бирлашади, гапда ёлғиз ҳолда учрамайди ва улар гапда бирор бир аниқ "ҳармоқ" билан қўлланилади (Гостева. tobgpi.ru/info/old/ronfer).

Лексик маъноларнинг ўзаро алоқаси натижасида юзага келадиган ва тил бирликлари комплексини ҳосил қиладиган маънолар модификацияси баъзи сўз бирикмаларида ҳосил бўладиган маъноларнинг аддитив бўлмаганлиги концепциясининг асосини ташкил этади [4, 93]. Ю.Д.Аперсян сўз маъноларининг эркин бирикувида юзага келадиган маъноларни фарқлашнинг икки усулини киритади. Маъноларнинг қўшилишини “аддитив” ва сўзга изоҳ беришда компонентга аниқлик киритишни “аддитив бўлмаган” усул деб атади [4, 81]. Жумладан, предлогларда “аддитив” маъноларнинг кўп учраши билан ҳам ажралиб туради.

Сўзларнинг ўзаро бирикиши имконияти чекланган бўлиб, бу ҳар бир сўзнинг семантик имкониятидан келиб чиққан ҳолда амалга ошади. Сўзларни бириктирадиган семалар таркибида семантик компонентлар (классемалар) мавжуд бўлиб ҳар иккала семага хос хусусиятдан келиб чиққан ҳолда ушбу семаларни бирлаштиради. Шундай қилиб, сўзлар маълум бир бошқа сўзлар билан бирикишида, қўлланилиш семантикасида бирор синтактик қурулмани ҳосил қилади [5, 79-94].

Ўз навбатида улар бира тўла иккита объектни ҳам бириктира олиш имкониятига эгадир. Ушбу ҳолда бир объект предлог билан қўлланилади. Ўтимлилик категорияси уларнинг бирикишида ижобий ўрин тутади ва комплементация структурасини ҳосил қилади. Ўтимли/ўтимсиз категорияга эга юриш-ҳаракат феълларининг семантик маъноларини контекст конкретизаторлари таъсирида юзага келадиган модификацияси сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: Контекстдаги конкретизаторларга боғлиқ ҳолда 1) муҳит жой маъноси, 2) мақсад, 3) объект маконини ўзгартириш, 4) объекта таъсир этиш, 5) ҳаракатнинг бошланиши, 6) ҳаракатнинг бирор объектга йўналиши 7) вақт жараёни маъноси, 8) каузация маъноси, 9) макон ўзгартириш маъноси, 10) аспектual-муносабат маъноси. Битта феълнинг ҳам ўтимли ҳам ўтимсиз ҳолларда қўлланилиши

инглиз тилига хос хусусият ҳисобланиб, бу унинг асосий семантико-синтактик хусусияти сифатида қаралиши мумкин.

Замонавий инглиз тили предлоғли темпорал кўрсаткичларга бой тиллардан бири саналади. Хусусан, инглиз тилида темпорал семантикани ифодаловчи лексик бўлмаган, яъни фразали темпорал иборалар ҳам мавжуд: *after the party; after all the guests had left; all next week; at night; at noon; at 8:00a.m. on June 11, 1945; at 12:00 p.m. today; before now; every day; every once in a while; for a day; from now on; from time to time; in an hour; in June; last Tuesday;*

never on Sunday; next week; now and forever; now and then; once in a great while; since Tuesday; twice last week; until we meet again; within the twinkling of an eye; . . .

Темпорал семантикани кўрсатувчи сўзлар шунингдек от ёки отли бирикмалар ёрдамида ҳам ифодаланиши мумкин: *June, Monday, today, yesterday, . . .*

Вақтни ифодаловчи адвербиаллар ўзларининг синтактик позициясига кўра ва бошқа адвербиаллар билан бирикиши орқали иккита хусусиятга эга бўлишади. Уларнинг биричиси берилган гап доирасида бўлсада, берилган бир бўлак маъноли фразадан ташқарида ўз аксини топади. Улар одатда вергул ёки бошқа пунктуация билан, шунингдек интонация билан ажратилади:

At present we live in London.

By next weekend I'll be sick of exams.

Day by day we are getting nearer to death.

Five minutes later the rescue party was leaving.

For generations, Nepal has produced the world's greatest soldiers.

In those days, we were getting up at 7 o'clock.

Next year we're going to have a holiday.

Хусусан инглиз тилидаги бир неча адвербиаллар *after, before, since* ва *'during, while', 'since'* турли категорияларга тегишли эканлиги билан ҳам ажралиб туради. Улар гап доирасида боғловчи, предлог вазифаларани бажаришади. Шунинг учун ҳам улар ички ва ташқи синтаксис сатҳида ўрганилади. Мазкур адвербиаллар ташқи синтаксисда темпораллик семантикасига эга бўлишса, ички синтаксисда темпоралликнинг диектик маркери вазифасини бажаради. Ички синтаксис кўпгина ҳолларда синтактик категорияларга боғлиқ ҳолда юзага келади.

Адвербиаллар гап доирасида бир нечта бўлиши мумкин. Аммо уларнинг гапдаги синтактик ва семантик вазифалари турлича бўлиши мумкин: *in her youth she jumped rope over and over again for twenty minutes* гапида *in her youth* кенгрок маънода темпорал кўрсатгичи сифатида қўлланилган бўлса, *over and over again* ва *for twenty minutes* адвербиаллари кўшимча фактатив маъно ифодалаш учун қўлланилган. Синтактик жойлашувига кўра мазкур адвербиаллар ушбу гапда эркинрок қўлланилиши мумкин: *in her youth she jumped rope, over and over again for twenty minutes, in her youth she jumped rope, over and over again, for twenty minutes, for twenty she jumped rope, minutes over and over again, in her youth she jumped rope, over and over again for twenty minutes, in her youth she jumped rope, over and over again, for twenty minutes, over and she jumped rope, over again for twenty minutes, in her youth etc..*

She over and over again jumped rope for twenty minutes.

Берилган гапдаги адвербиал таҳлили синтактик, семантик, прагматик шароитларга боғлиқ. Уларнинг бирисиз иккинчисининг қўлланилишининг имконияти йўқ. Умуман олганда адвербиалларнинг қўлланилишига бағишланган адабиётлар ва таҳлиллар кўп бўлсада, уларнинг синтактик жойлашуви ва семантик хусусияти ҳар томонлама ўрганилмаган. Бунинг сабаби ,айниқса темпорал адвербиалларнинг семантик ўзгарувчанлиги деб кўрсатиш мумкин. Улар ҳар хил синтактик ўрамда ва қўлланилиш

позициясига кўра турли вазифаларни ва семантик маъноларни ифодалаб келишади.

Темпорал бирликларнинг дискурс функцияси уларнинг боғловчи сифатида қўлланилишида юзага чиқади. Темпорал бирликлар синтактик фарқланиши уларнинг турли синтактик вазифаларни бажариши билан боғлиқ. Хусусан, предлоглар темпорал маркер сифатида от ёки номинатив гуруҳ билан бирикканда фаолият юритади; *before/after noon; before/after the meal;*

Инглиз тилида *conjunctive preposition* [51, 238], конъюнктив предлог феълнинг ноаниқ шакли билан бирикканда темпорал кўрсатгич вазифасини бажариб келади;

..., before / after assessing the damage.

Предлогларнинг кўпчилиги, асосан темпорал вазифани бажарадиганлари боғловчи (конъюнктив) вазифасида ҳар қандай эргашган гапни боғлаб келиши мумкин. Мазкур боғловчилардан *before/after* эргашган гапдаги шахсли феълнинг тугалланганлиги (перфектив) ёки тугалланмаганлиги (перфектив бўлмаган, имперфектив) маъноларини кўрсатиш учун хизмат қилади; *As a conjunction they take a finite clause, which may be either telic or atelic.*

Here, the aspectual form is overwhelmingly the perfective (expressing completed action), as in the following examples:

.....after / before she had written a letter, ...

Келтирилган мисолдаги аспектуал маъно перфектив бўлиб, тугалланган ҳаракат ифодаланган. Имперфектив аспектуал семантика бош гапдаги шахсли феъл бажарган ҳаракат билан бир вақтда содир этилайтганлиги ёки релатив хусусиятга эгалиги билан изоҳланади:

The firemen arrived just a few minutes before the fire was getting fierce.

Таъкидланган адвербиаллар (предлоглар) содда гап доирасида эксплицит ифодаланган ходисаларнинг темпорал диексиси вазифасини ўтайди:

We arrived shortly after.

The firemen arrived just a few minutes before.

Темпорал адвербиалларнинг мазкур қўлланилишидаги вақт семантикасининг олдинги ёки кейини позициядалиги контекстнинг умумий маъносидан келиб чиқган ҳолда тушунилади. Бу ҳол бошқа бир конструкциясининг аббреватив кўриниши деб ҳам изоҳлаш мумкин. Албатта мазкур ходисанининг имлицит кўриниши куйидаги кўринишда берилиши мумкин:

We arrived shortly after Tom came.

Келтирилган мисоллардан ва таҳлиллардан кўриниб турибдики, *before/after* адвербиаллари темпорал кўрсаткич сифатида специфик синтактик конструкцияларда рефренс вазифасини ўтайди. Шундай қилиб мазкур birlikлар темпорал адвербиал кўрсаткич сифатида экспланатор, резултатив, нарратив, каузатив, эксплицит вақт давомийлиги, конъюнктивлик алоқадорликка эга.

Боб бўйича хулосалар

Феъллар, аргументлар, темпорал модификаторлар ва уларнинг матн доирасидаги маъноларини ўзгартиришга хизмат қиладиган предлоглар концептуал хусусият сифатида тасвирланади. Бу каби ёндашувлар Лэнгакернинг фундаментал ишларига асосланилди, аммо мантикий нуқтаи назардан ходиса структураси (event structure) ва композиционаллик кўшимча специфик жиҳатларни ҳам қамраб олди. Шуниси маълумки, предлоглар борасидаги мулоҳазалар улар англатадиган лексик маънолардан ташқари, грамматик қўлланилиш, синтактик бирикиш, семантик фарқларни аниқ тушинишни талаб этади.

Предлоглар ва предлогли бирикмаларнинг структурасини ядровий ва семантик хусусиятлар ташкил этади. Улар гап доирасида детерминатив-семантик белгига эга бўлади ва функционал жиҳатдан комитатив, субстантив, релятив, квалитатив, квантатив, локатив, темпорал ва шу каби белгиларни ифодаланишини аниқлайди. Предлогларнинг лексик-семантик майдонини кўпгина ҳолларда отлар, сифатлар, равишлар, феъллар, юкламалар ва бошқа гап бўлакларига бирикишда шаклланадиган бирикмаларда аниқланиши мумкин. Мазкур бирликлар лингвистик жараён ёки маълум вазиятдаги динамик/статив фрагментларнинг семантикасини аниқлашда темпорал- анафорик вазифани бажаради.

Предлогларнинг вақт маъноларини аниқлашга қаратилган жиҳатлари, ўз навбатида темпорал контекст семантикасини ташкил этади. Темпорал контекстнинг семантикаси деб, вақт кўрсаткичларининг контекстдаги грамматик ва семантикси тушунилади. У кўрилатган бирликнинг шакллари ҳамда функционал, узуал хусусиятлари билан мувофиқлашади. Шундай қилиб, предлогларнинг турли гап бўлаклари билан бирика олиш имкониятлари, уларнинг лексик-грамматик хусусиятларининг доминант белгиларидан бири ҳисобланади.

2-БОБ ПРЕДЛОГЛИ БИРИКМАЛАРНИНГ МАЪНО ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Предлогларнинг кўп маънолилиги

А. Зализнякнинг таъкидлашича, “лингвистикада тилнинг тузулиши принципларига асосланган бир қанча асосий оппозициялар мавжуд. Улар асосида муносабат ва кўп маънолилик шаклланади (12. 20). Мазкур назарий қарашлар асосида муаллиф “дискретлик ва градуаллик” оппозицияларини муҳим ва унверсал ҳодиса сифатида ажратиб кўрсатади. Чунки ушбу иккала тушунча тил амалий қўлланишининг барча сатҳларини қамраб олади. А. Зализняк маълум бўлак сўзнинг кўп маънолилик таркибига тўхталаркан “образует ли разные значения слова множество дискретных единиц или непрерывный континуум, в котором одно значение «плавно переходит» в другое? [18. 20]” деган саволни ўртага ташлайди. Албатта, барча тил бирликларини эътиборга оладиган бўлсак, бир тўхтамга келадиган аниқ саволни топиш мушқилдир.

Полисемантик сўзлар таркибидаги семантик муносабатлари таснифига оид тасниф Е.А. Дюжикова томонидан ҳам таклиф этилади [15, 36-37]. Муаллиф ўз таснифида кўплаб тилшунос олимларнинг фикрларини ҳам эътиборга олади. Е.А. Дюжикованинг таснифий қарашларини қуйида келтириб ўтамыз:

- кўп маъноли сўзнинг барча маънолари тенг хусусиятга эга ва улар мустақилдир. Улар ўртасида ясама маънолар мавжуд эмас [17, 16].

Хулоса қилиш мумкинки, кўп маъноли сўзнинг бош маънолари ўша сўзда мавжуд бўлган умумий маънолардан келиб чиқади. Бу эса тури лексик-семантик шаклларда мавжуд ҳолда умумий концептуал мазмун сифатида қаралади. Шунга ўхшаш қараш ва фикрларни Е. А. Кибрик [19, 110-156], [44, 43], [36, 32]. ва бошқаларни ишларида ҳам учратиш мумкин;

- кўп маъноли сўзнинг барча маънолари иреархик муносабатда бўлади [5, 439-458], [9, 3-29], [23, 47], [49, 192-233] ва бошқалар.

-кўп маъноли сўзнинг маънолари ўртасида мустақил ва иерархик муносабатлар мавжуд бўлиши мумкин [12, 230-293], [24, 3-155], [35, 31].

Берилган маъно турларига таълуқли иккинчи ва учинчиларидаги умумийликнинг ўзига хослиги шундаки, бунда қандайдир асосий маъно аниқланади ва иккиламчи маъно билан алоқадорлик хусусиятлари аниқланади. Маъно турларининг боғликлиги полисемиянинг учта тури орқали намоёиш этилади: радиал, занжирсимон ва радиал-занжирсимон. Радиал полисемия турида барча маънолар битта марказий ёки асосий маънога асосланилади. Занжирсимон полисемия турида эса, ҳар бир янги маъно ўзига яқин бўлган маъно билан умумий компонентга эга бўлади. Радиал-занжирсимонда кўп маънолилик мазкур иккала турнинг аралашмаси натижасида юзага келади [4, 189]. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, кўп маъноли сўзни бу каби талқини маълум маънода полисемант семантикасининг “сетевой модель”ига мос келади. Мазкур модел А. Зализняк томонидан таклиф этилган бўлиб, муаллиф ушбу моделнинг қуйидаги асосий характеристикасини келтиради:

- барча тил бирликлари кўп маъноли;
- сўзда мавжуд бўлган маънолар битта ёлғиз инвариант маънога вариант бўлаолмайди;
- тил ифодасига эга маънолар маълум бир схематик шаклда намоёиш этилиши мумкин;
- маънонинг марказий элементи маълум трансформация усулини амалга оширилиши орқали бошқа маънолар билан алоқадорликка киришади (бу ментал операция сифатида сўзловчини ўзига яқин бўлган концептуал конфигурация билан боғлаш орқали битта асосий образли схемани юзага келтиради), шунингдек, метафорик ўзгаришлар амалга оширилиши мумкин [18, 32].

Таъкидлаб ўтилган образли схема асосида предлогларнинг кўп маънолилик хусусиятлари намоёишини аниқлаш имконияти мавжудлиги

кўзга ташланади. Жумладан, бу борада, яъни предлог маънолари ёки уларнинг муносабатга киришиш имкониятларини аниқлаш, маълум схемаларини яратиш кўплаб тадқиқотчилар, тилшуносларнинг ишларида учратиш мумкин. Хусусан, психосистематик лингвистик мактабининг асосчиларидан бири бўлган Б.Потье ишларида ҳам кўп маъноли сўзларнинг образли-схематик таркибини яратишга бўлган ҳаракатлар учрайди. Кейинчалик эса Л. Елимьслева бир қатор машҳур тилшунослар Р. Вагнер, Г. Гугнейм, Л. Ельмслев, Б. Брендалъ, Е. Бенвинст назарияларига асосланган ҳолда француз тилидаги предлогларни маъно хусусиятларини таҳлил қилади. Мазкур таҳлилнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда ҳар бир предлогнинг семантик белигилари маълум гуруҳларга ажратилади. Шу билан бирга предлогларнинг макон, замон ва тушунчавий хусусиятларини қамраб олувчи учта полисемиянинг амалий қўлланиши келтириб ўтилади. Мууаллифнинг таъкидлашича, тилнинг маъно элементлари бу унинг “тил тасаввури”дир. Б. Потьенинг фикрича, маълум элемен тўғрисидаги энг янги тушунча уни маълум схема асосида тасвирлаш саналади. Схемалаштириш натижасида ҳар бир предлогга хос бўлган релевант белгилар аниқланади ҳамда морфеманинг репрезентатив шаклдаги схемасини ташкил этади. Бу каби схемалаштириш барча предлоглар доирасида олиб борилиши мумкин. Чунки ҳар бир инглиз тили предлогида функционал қўлланишдан ташқари ўзларининг маълум маънодаги лексик маънолари ҳам мавжуд. Жумладан, муносабат маъносини англатувчи элементларда “тил тасаввури” [46, 546-551] мавжуд бўлган маънолар мавжуд. Предлогларнинг аниқланган релевант хусусиятлари ҳар бир предлогда мавжуд бўлади. Уларнинг семантикасида метафорик, макон хусусиятига ҳам эга бўлишади. Бошқа сўз билан айтганда, полисемияларнинг умумийлаштириш орқали предлогларни схемалаштириш барча майдонларни битта ягона майдонга бирлаштириш назарда тутилади.

Когнитив лингвистика назарияси вакиллари М. Жонсон, Ж. Лакофф, К. Бругман, Л. Талми, Р. Лангакер, Р. Жакендофларнинг фикрича табиий

тилладаги маънолар фикран маълумотларнинг структуравий кодлашган тури ҳисобланади. Олимларнинг қарашларича, семантик таркиб концептуал таркибнинг шаклий кўриниши саналади. Жумладан, Ж.Лакофф М. Жонсон томонидан илгари сурилган концептуал таркиб бўлак-бўлак ривожланиши борасидаги ғояни мақуллайди ва уни ривожлантиради. Олим буни “образли схема” деб атайди. Ушбу тушунча Л. Талми қарашларида ҳам “схема” атамасида ўз аксини топади. “Схема” атамаси когнитив психологияда қўлланилган атамадан ўзлашган бўлиб, бунда маълумотларнинг онгда узок вақт сақланиши, маълумотларни қабул қилиш механизмининг қарама-қарши форматини ифодалаш учун қўлланилади. Схема, шунингдек, қабул қилинадиган маълумотларнинг категорияланиши ва маълумотларни маълум кўринишдаги танлови, маълумотларни қайташ ишлаб чиқиш жараёнида маълум шаклда ифодалаш воситаси сифатида ҳам қабул қилинади. Ж. Лакоффнинг таъкидлашича, схема қабул қилинган маълумотларни семантик структурага тақсимлаш имконини беради. М. Жонсон эса “образли схема (image-schema)” атамасида биз қабул қиладиган жараёнларни тажрибамиз структураси ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини таминловчи такрорланувчи динамик намоиши деб тушунтиради [41, 38]. Шундай қилиб олим, “жойлашув”, “йўналиш”, “тўсиқлик”, “жараён”, “мослашув”, “қисм”, “бутунлик”, “марказий периферия” каби схемалар мавжудлигини таклиф этади. Ушбу назарияларга кўра асосий концептуал таркиб сифатида бизни ўраб турган физик ҳодисалар, тажрибамиз саналади ва шунинг учун ҳам ҳар бир образли схема мантиқий ва элементларнинг таркибини маълум атамаларда тасвирлаш имкони яратилади. Таркибий элементлар тил орқали ифодаланадиган содда схемалардан иборат бўлади. Асосий мантиқий тушунча эса образли схеманинг бош механизмини ташкл қилади ва бири-биридан фарқлаш учун қўлланилади. К. Бругман [38, 477-507] ва Ж.Лакофф [42, 39] ҳамкорликда “over” предлоги билан ифодаланадиган муносабат маъноларининг турли схематик образли шакллари ишлаб чиқишади. Улар

томонидан намоиш этилган схемада предлогнинг макон ва изоморфли хусусияти намоиш этилади. Ушбу схемага кўра предлогнинг реал предметларнинг мавжуд конфигурациялари ва макон муносабатлари ўртасидаги боғлиқлик акс эттирилади. Схема, шунингдек, предметларнинг параметрларини англатувчи вазифаларнинг мажмуини намоиш этади. Бунда ҳар бир вазифанинг бажарилиши макон муносабати билан алоқадорликда амалга оширилади. Схемалардаги вазифалар маълум қатлам, чизиқ, ажратилган қисм каби макон муносабатларида ифода планига кўчади. Ушбу схема, шунингдек предметларнинг ҳаракат троекторияси билан боғлиқ маъноларни ҳам қамраб олиши мумкин. Р. Лангакер [43, 42-65] ҳаракат троекторияси билан алоқадор иккита маънони санаб ўтади. Улардан биринчиси троектория (trajectory -TR) ва иккинчиси ориентир (landmark-LM). Олим қуйидаги мисолни намоиш этади: The plane flew over the hill. Мисолдаги “the plane”-TR ва “the hill”-LM саналади. Демак, “over” предлогининг макон маъноси билан боғлиқ, кейинчалик эса метафорик маъноларини тасвирлаш мақсадида бир қанча образли схемалар тузиб чиқилади (*across schema, above schema, covering schema* ва бошқалар). Яратилган мазкур схемаларнинг баъзлари ўзларининг маълум кичик схемалари мавжудлиги борасида ҳам ушбу олимлар томонидан таъкидлаб ўтилади. Ушбу образли схемалар ўртасидаги боғлиқлик трансформацион ёки метафорик қайта шакилланиш саналади. Натижада, улар асосида метасхема юзага келади. Метасхема турли схемалар ўртасидаги муносабатларни кўрсатувчи ва шу билан бирга уларнинг марказий ва преферияли кўрсаткичларини аниқлаш учун хизмат қилади. Шунинг асосида радиал, концептуал-семантик категория ҳосил бўлади.

С. Линдер, “out”, “in”, “down”, “up” [45, 305-323] каби антономик маънога эга предлогларни таҳлил қилар экан, уларни моносемик таркиб эга эмас деган хулосага келади. Муаллиф ушбу предлоглар аниқ маънолардан ташкил топган ва уларнинг схемалари умумий хусусиятлардан келиб чиқишини

таъкидлаб ўтади. Келтирилган предлоглар аниқ маъноларга асосланилган схемалар умумий мазмунга эга ва шунингдек мавхумий хусусиятлар мавжудлиги ҳам айтиб ўтилади. С. Линдер “out”, “in”, “down”, “up” предлогларининг боғланувчи имкониятларини эътиборга олган ҳолда “схематик бирлик” (schematic units) атамасини таклиф этади. Схематик бирлик сўзловчи томонидан предлог ва бошқа бирликлар ўртасидаги алоқадорлик натижасида ҳосил бўладиган маънолар таркибини эътиборга олади. Муаллиф “айтиб ўтилган алоқадорликлар ҳеч қанақанги яқка *out*, ҳеч қанақанги кўп *out* йўқ, фақатгина *out* концепти мавжуд, деган хулосага келишимга сабаб бўлди [45, 56]” деб таъкидлайди. Когнитив лингвистика назарияси, когнитив грамматикаларда схематик бирлик тушунчасида маълум ички категориянинг индвидул хусусиятларини намоиш этиувчи умумий тушунчаларни акс эттиради. Схематик ва хусусий маънолар ичидаги баъзилари прототип саналади. Улар ўша категорияга хос бўлган энг асосий элементни акс эттиради. Прототип семантикаси доирасида олиб борилган ишлар борасида “over” предлоги доирасида олиб борилган тадқиқотни келтириш мумкин. Бу борада тадқиқотлар олиб борган тилшуносларнинг таъкидлашича, [33, 74-93] “over” ушбу предлог образли яъни тасаввурли (image) категорияни ҳаракатерлайди, унда ҳар бир тасаввур прототип ўхшашлик билан алоқадор.

Предлоглар гапнинг бошқа бўлаклари каби бирдан ортиқ маъноли хусусиятга эгалиги билан ажралиб туришади. Уларнинг кўпчилиги юқори даражадаги кўп маънолиликга эга саналишади. Бир тарафдан кўп маъноли сўзларнинг, жумладан предлогларни тадқиқ этишда мазкур сўзларнинг бўлак маъноларини аниқлаш масаласи юзага келади. Бошқа томонлама эса ушбу маъноларнинг бир бирига муносабат ёки мослиги масаласини аниқлаш ётади. Шунингдек, уларнинг кўп маъноли сўзларнинг маълум таркибга бириктириш масаласи ҳам мавжуд. Уларни таркибини аниқлашда умумий

компонентларни аниқлаш ёки маънолар ўртасидаги ассоциатив белгиларни аниқлаш ҳам муҳам масала сифатида қаралишни талаб этади.

Инглиз тили ҳодисаларнинг ўзига хос шаклланишида предлоглар қуйидаги вазифаларни бажаради:

- 1) Предлогларнинг асосий қисми ўз лексик маъноларига эга;
- 2) Предлоглар функционал вазифаларни бажаради;
- 3) Предлогларнинг синтактик хусусиятлари сифатида адвербиал вазифаларни, фразалар ўртасидаги муносабатларни шакллантирувчи, ҳаракат/ҳолатга аниқлик киритувчи, вақт ва макон тушунчаларига аниқлик киритувчи вазифаларни бажаради;
- 4) Предлоглар морфологик белги сифатида ўз функционал қўлланишига эга.

Инглиз тилидаги предлогларнинг семантик таркибига назар солар эканмиз, уларнинг функционал қўлланилишида туб маъно ва кўчма маъноларда амал қилишига гувоҳ бўламиз. Жумладан, лексик сатҳда улар макон, вақт, йўналиш, муносабат, ифода воситаси, ҳаракат воситаси билан алоқадор, ҳолат билан боғлиқ интеграл семаларга эгаллиги аниқланди. Бундан ташқари, предлоглар грамматик сатҳда макон хусусияти, йўналиш белгиси, объект хусусияти, мақсадли ҳаракат ва шу каби маъноларда ўз ифодасини топади.

2.2. Предлогларнинг сўз бирикмаси ҳосил қилишдаги ўрни

Фаолият тури билан боғлиқ маънони англатишда қўлланилади: *She delivers lectures on modern linguistics*. Аргументли структураларда предлоглар кўп ҳолларда боғловчилик вазифасини бажаришади. Мазкур ҳодиса феъл ва номинал бирлик семантикаси ўртасида амалга оширилади. Лекин, феъл+предлог+от бирикмалари семантик муносабати ҳар доим ҳам предлогнинг тўлиқ семантик маъносини очиб бера олмайди. Бу бирикмаларда предлог ёки феъл, ёки номинал бирликнинг маъносини тўлиқ ёритиш учун иштирок этади. Албатта предлоглар ўз вазифаларига кўра бир-

биридан фарқ қилади, яъни ҳар бир предлогнинг маълум конструкция ёки бирикма, контекстда ўз вазифаси мавжуд. Шу билан бирга предлогларнинг контекст, маълум фраза ёки бирикмалар доирасида жойлашуви ҳам маъно ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин.

Аналитик тиллар грамматикасида предлоглар ўзига хос муҳим ва фойдали категория саналишади. Улар, грамматик маркер вазифасини бажарибгина қолмасдан, сўз, бирикмалар, гап семантикасига ҳам ўз таъсирини ўтказишади. Жумладан, предлоглар ўз қўлланилиш имкониятига кўра инструментлик, восита, таққослаш, миқдор, локативлик (жойлашув), йўналиш, бир бутунлик ва шу каби асосий маънолар ва тушунчаларни ҳам ўзларида мужассам этишади. Шунинг учун ҳам предлоглар тадқиқи ёки таҳлилида уларни нафақат функционал хусусиятлари, балки семантик-прагматик жиҳатлари ҳам эътиборга олиниши муҳим саналади. Бу эса, инглиз тилидаги лексик бирликларнинг танловида муҳим ўрин эгаллайди.

В.А. Плунгян ва Е.В. Рахилина ишларида бошқа фараз мавжудлигини кузатиш мумкин. Бунга кўра макон ва замон маъноларини англатувчи предлоглар мавҳум муносабат сифатида талқин қилинади ва “сценарий”ни ҳосил қилади [27].

“Тузулма модели” (сетевая модел)асосчилари Ж.Лакофф (42), Б.Хокинс (39), П. Хоттенрот (40) ва бошқалар кўп маъноли сўзларнинг семантик хусусиятларини тасвирлаш усуллари яхши йўлга қўйишган. Уларнинг ишларида прототип умумий образ (image scheme) сифатида намоёниш этилади. Ж.Лакофф предлогларнинг полисемияларини тадқиқ қилиш жараёнида аввалам бор асосий макон билан алоқадор маъноларини тасвирлайди, кейинги босқичда эса метафорик маъноларини кўриб чиқади. Унинг таъкидлашича предлогларда яқка “стержинли маъно” учрамайди. Уларда учрайдиган ҳар бир маъно шаклланган категорияни ташкил қилади ва уларда марказий маъно мавжуд бўлиб, у образли схема ва метафораларнинг трансформацияси орқали аниқланади. Предлоглардаги мазкур маъноларнинг

маълум ўзига хос образли схемаларнинг занжирига ўхшатиш мумкин ва уларнинг ичида биттаси марказий, яъни прототип ҳисобланади [42, 455].

Маъноларнинг образли схемасини қурилишида трансформация ёрдамида марказий маъноларнинг ўзига хос моделларини аниқлаш талаб этилади. Бу орқали битта параметрнинг ўзгартирилиши янги маъно ҳосил бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Ўз навбатида маъноларнинг шу каби аниқланиши трансформация усули ёрдамида амалга оширилишини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Шундай қилиб, Ж.Лакоффнинг тузулма модели полисемиянинг турларини, таркибини аниқлаш ва схемалаштришда доимий трансформациялаш орқали амалга оширилишига асосланилади. Полисемияга доир структурал назария ва когнитив ёндашувлар фарқланади. Когнитив семантика нуқтаи назаридан инсон онгида мавжуд бўлган тушунчалар ва сўз маънолари орасида реал боғлиқлик мавжуд [13, 55]. Структурал моделларда полисемияда берилган битта сўзга тегишли семантик компонентлари конотация талқинида аниқланади. Унда фақатгина предлогларнинг қўлланилиши эътиборга олинади. Когнитив лингвистикада образ схемали мавҳум маънолар ўртасидаги алоқадорлик аниқланади. Ўз навбатида улар бевосита тажрибалар асосида амалга оширилади. Ж. Лакоффнинг таъкидлашича “тузулма модели” битта сўзнинг турли, баъзан эса бири-биридан анча йироқ бўлган маъноларини боғловчи муносабатлар аниқланади [13, 56]. Аммо, Т.Н. Малярнинг фикрича бу каби ёндашув “тилнинг систем хусусиятини рад этади ва тил маъноси ва унинг нутқий амалиётда қўлланилиши билан чоғишиб кетади”. Муаллифнинг келтиришича “Маъно” (senses) денотатив вазиятларда аниқланади ва унда танланган параметр асосида битта хусусият ўзгартирилади [22, 63-64].

О.Н. Селиверстовнинг ишларида таклиф этилган [30, 26-28] ёндашувлардан бири бу предлогларнинг полисемантик маъноларини боғлаш вазифасини грамматик маъноларга мурожат этиш ҳисобланади. Муаллиф рус тилидаги “на” предлогининг семантик тадқиқотларида энг кўп учрайдиган

маъно ушбу предлогнинг макон билан алоқадор маъносини кўрсатади. Унда “на” предлогининг макондаги ориентир ҳамда объект муносабатида макон вазифасини бажарадиган маънолар ажратиб кўрсатилади. Мазкур тушунчада Х-У формуласи таклиф этилган бўлиб, “У” белгиси локатив маъно билан бир каторда турли директив маъноларни амалга ошириш имконияти санаб ўтилади. Шу билан бирга рус тилидаги “на” предлогининг юриш ҳаакати феълларидаги “директив” маъноларини очиб берувчи семантика мавжудлиги таъкидланади. О.Н. Селиверстова мисол тариқасида “идти на рынок”, “спрыгнуть на пол” бирикмаларини келтириб ўтади. Бунда мавжуд ҳаракат содир этилаётган вазиятда объект имплицив кўриниш олиши таъкидланади. Динамик ҳаракатларда “бросаться на кого либо”, “налетать на кого-то, или на что-то” объект эксплицив тарзда амалга оширилиши юзага келади. Берилган предлогнинг грамматик вазифасини муаллиф “объектли директив” атамаси билан номлайди. Муалифнинг таъкидлашича грамматик маъно динамик ҳаракатнинг макони ёки йўналтирилган нуқтасини кўрсатиш маънолар айнан предлог томонидан ифодаланганлигидадир. О.Н. Селиверстова, шунингдек, “на” предлоги маълум контекстларда ментал ҳаракатни тасвирловчи бирикмаларда объектни аниқловчи вазифасини бажариш имкониятиларига ҳам тўхталади: *смотреть на, ответить на, обратить внимание на* ва шу кабилар [29, 221-222].

Кейинги йилларда кўп маъноли сўз таркибида ўрганилаётган полисемия назариясини тилнинг ўзига хос категорияси сифатида баҳоловчилар ҳам кўпаймоқда [7, 11]. Бу ёндашувга кўра кўп маъноли сўзларнинг денотатив маънолари фарқланишига қарамасдан уларнинг қўлланилиши ва маънолари бир бири билан алоқадор саналади. Л. Вигтенштейннинг фикрича, маълум бир лексик бирликнинг турли кўрсаткичлари (лексик-семантик вариантлари, семалари), ўз навбатида уларнинг “маълум гуруҳга мослиги” ундаги маъноларни ҳар хил кўрсаткич сифатида қалуб қилиш имконини беради. Кўп маъноли сўзнинг бир бутун

сифатида қабул қилиш асоси фақатгина фонетик кўрсаткичлар, лексик хусусиятлар билангина таъминланиб қолмасдан когнитив моделларда ҳам ўз аксини топади. Бунда лексик семантик вариантларнинг барча мазмунли хусусиятлари қамраб олинади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, предлоглар тадқиқида полисемия ва полисемантика назариялари принципига асосланиш бошқа тил бирликлари сингари предлогларнинг ҳам маъноларини тизимлаштириш, семантик гуруҳларга ажратиш, синтактик-семантик вазифаларини аниқлаш, когнитив асосларини белгилаш имкониятларини очиқ беради. Маълумки, бошқа тил бирликларида бутун контекст вариантыни бирлаштира оладиган битта маъно мавжۇ бўлиши мумкин. Аммо предлогларда бир маъно иккинчисига мос тушмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам предлоглар тадқиқотида полисемантика назарий усулларига асосланиш масалала моҳиятини очиқ бериши мумкин. Полисемияда предлогларнинг ички семантик хусусиятларидан (синонимиялик, омонимиялик, антонимиялик) ташқари, бошқа турли тил бирликлари билан системали семантик алоқадорлик, муносабат хусусиятлари ҳам намоёниш этилиш эҳтимоли юқори саналади. Шунинг учун ҳам бошқа тиллардаги каби инглиз тилидаги предлогларни полисемантик сатҳ нуқтаи назаридан таҳлил этиш предлогларнинг маънолари шаклланишида семантик кичик системаларини аниқлаш имконияти вужудга келади.

Предлогларнинг семантик таркибига мурожат қилинганда уларнинг кўпчилигида асосий маънолар макон ва вақт билан алоқадорлик хусусиятларини учратиш мумкин. Он предлогининг темпорал маънолари одатда ҳаракат ёки ҳолатнинг, вазиятнинг содир этиладиган вақтини белгилаш учун хизмат қилса, аспектual маъноси маълум феъллар билан бирикканда ва феълла бирикмаларда давомийлик маъносини ифодалайди.

Он предлоги ёрдамида ифодаланадиган семантик маънолар, синтактик таркиб таҳлили асосида қуйидаги умумий хулосаларни бериш имкони пайдо бўлди:

1. Он предлогининг семантик таркиби кўп маъноли саналади. Унинг асосий хусусиятлари сифатида макон ва темпорал жиҳатларни келтириш мумкин.
2. предлогларнинг таркибий полисемияларини шаклланишида нафақат темпорал, макон маънолари, балки метафорик хусусиятлар ҳам муҳим ўрин тутди.
3. Инглиз тилидаги предлогларнинг семантик таркибидаги маъноларнинг дериватив хусусиятларини доминант белгилари когнитив метафора билан алоқадорликка эга.

2.3. “Он” предлогли фразеологик бирикмаларнинг семантик тавсифи

И.Е. Аничков послелогларнинг сўз ясааш олиш имкониятлар борасида фикр юритаркан, “послелоглар на морфологик, на синтактик бирлик, балки улар лексик бирлик”, деб таъкидлаб ўтади. Таъкидлаб ўтилган тил бирликларга танқидий қарашларнинг келиб чиқишига қарамасдан, берилган фикрларга нисбатан муаллиф ўз позициясида қаттиқ туради. И.Е. Аничков бу борада «называть постпозитивные лексические элементы английского языка «послелогоми» не значит непременно считать их особой частью речи» [3,223-224], деган фикрни билдириб ўтади. Албатта, инглиз тилидаги фразали феъллар шаклланишида иккита тенг маъноли сўзларнинг бирикувидан ҳосил бўлади. Бу эса феъл ва адвербиал равиш бирикувида ҳосил бўладиган бирикмаларнинг маъноларида семантик марказ адвербиал равиш маъноси томонга ўтиши, яъни адвербиал равиш маъноси таъбирида феъл маъносининг ўзгариши юзага келади деган хулосага келишга ундайди. Грамматик марказ эса, ушбу бирикмалардаги биринчи компонент, яъни феъл билан боғлиқ деб қараш мумкин.

Демак, инглиз тилидаги феълли фразали бирикмаларда адвербиал равиш феъл маъносининг кучайишига, унинг маъносини бутунлай ўзгаришига таъсир этади. Кўпгина ҳолларда эса, адвербиал равиш маъноси феъл маъносига нисбатан устунлик қилиш имкони кўпроқ эканлиги кузатилади. Масалан: go ahead, look forward to, go on, keep on. Шунинг учун ҳам инглиз тилидаги феълли фразаларни таҳлил этаётганда адвербиал равишларнинг маъно белгиларини эътиборга олиш муҳим саналади. Мазкур ҳолларда бирикмаларнинг шаклланиши айнан адвербиал равишларнинг маъно хусусиятлари билан боғлиқ. Бунда феъл маъноларига кўра адвербиал равишларнинг маънолари маълум маънода доминантлик қилади.

С.Е. Гурскийнинг фикрлига кўра, феълларга бирикадиган предлоглар керак бўлган маъноларга эга бўлишлари муҳим саналади. Агарда, предлогларнинг ўзларида лексик маънолар мавжуд бўлмаганда, уларни феълларга бириктиришнинг ҳожати бўлмас эди [13 17]. Мазкур қарашларни эътиборга оладиган бўлсак, феълли фразалардаги иккинчи компонентнинг семантик хусусиятини аниқлаш муҳим саналади. Бунинг натижасида предлог феъл маъноси билан тўлалигича ассимиляцияга учрайди ва қўшимча категориал маънони юзага келишига сабаб бўлади.

Инглиз тилидаги предлогларнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири, улар феълларга бирикиш орқали ўз функцияларини ўзгартириш имкониятларининг мавжудлиги саналади. Улар феълларга бирикиш орқали маълум фразаларни ташкил қилиши мумкин. Шу билан бирга улар маълум феъллар билан бирикканда мураккаб феълли бирикмаларни ҳосил қилади. Жумладан, **to depend** феъли on предлоги бирикмасини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Масалан: It doesn't **depend** **on** me. Предлогларнинг синтактик хусусиятлари асосан фразеологик сатҳда ва гап доираси сатҳида ўрганилади. Фразеологик сатҳнинг асосий бирлиги предлогли фраза ҳисобланади. Предлогли фраза предлог, яъни фразанинг

асосий бирлиги сифатида амал қиладиган бирлик ва унга бирикадиган комплимент, яъни асосдан ташкил топади.

On a fishing expedition - If sb is on a fishing expedition, they are trying to get information, using incorrect ways to find things out. – “*qarmoq tashlamoq*” .

On a roll - If you're on a roll, you're moving from success to success. – “*oshig'i olchi*”.

On a silver platter - If you hand or give something on a silver platter to somebody, you let them have it too easily. – “*xamirdan qil sug'urganday*” , “*og'zidagini oldirib o'tiribdi*”.

On all fours - If somebody is on all fours, they crawl. – “*emaklab qoldi*”.

On Carey Street - (UK) If somebody is on Carey Street, they are heavily in debt or have gone bankrupt. – “*bo'ynigacha qarzga botgan*”.

On good terms - If people are on good terms, they have a good relationship.- “*qil o'tmas*”.

On hold - If something is on hold, no action is being taken.- “*boshini ushlab yotibdi*”.

On ice -If plans are put on ice, they are delayed and no action will be taken for the foreseeable future. – “*yaxlagan*”.

On pins and needles - If you are on pins and needles, you are very worried about something. – “*Igna(nina)ning ustida o'tirgandek*”.

On tenterhooks - This means that she is waiting impatiently and excitedly for something. – “*sabrsizlik bilan, intizorlik bilan kutmoq*”.

On the ball - If somebody is on the ball, they're well-informed and know what's going on in their area of responsibility. “*yer tagida ilon qimirlasa eshitadi*”.

On the blink - (UK) If a machine is on the blink, it isn't working properly or is out of order.- “*ishga yaroqsiz, ishdan chiqqan*”.

On the blower - (UK) If somebody is on the blower, they are on the phone.

On the cards - (UK) If something is in the cards, it is almost certain to happen. – “*kartasiga yozilgan*”.

On the carpet - When you are called to the bosses office (since supposedly, they are the only ones who have carpet) and its definitely not for a good reason, i.e., you are in trouble, something has not gone according to plan and either maybe you are responsible and/or have some explaining to do. – *kun tartibidagi masala; boshliq yoniga qonunbuzarlik qilgani uchun chaqirilgan, jazo olishi muqarrar; hayfsan;*

On the case - If somebody is on the case, they are dealing with a problem “ish bilan shug’ullanayotgan”;

On the cheap - If you do something on the cheap, you spend as little as possible to do it. “*arzon-garovga*”;

On the dole - (UK) Somebody receiving financial assistance when unemployed is on the dole. – “*nafaqada*”;

On the dot -If somebody says that they're leaving at seven on the dot, don't be late; they mean at exactly seven o'clock. “*bab-baravar*”;

On the factory floor - On the factory floor means the place where things are actually produced.- “*eshigining tagidan; zavod omborida*”;

On the fiddle - (UK) Somebody who is stealing money from work is on the fiddle, especially if they are doing it by fraud ”*talon-taroj; o ’marish*”.

On the flip side - On the reverse or the other side -

On the fly - If you do things on the fly, you do things without preparation, responding to events as they happen. – “*qo ’qqisdan; tayyorgarliksiz*”;

On the ground - Events on the ground are where things are actually happening, not at a distance.- “*tumshug’ingning ostida*”;

On the hoof - If you decide something on the hoof, you do it without planning, responding to events as they happen.” *Vaziyatga qarab*”;

On the house - If you get something for free that’d normally have to be bought, esp. in a bar or restaurant, it is on the house.- “*suv-tekinga; tekinga olmoq*”;

On the lam - If somebody is on the lam, they are hiding from the police or authorities, especially to avoid arrest or prison. – “*quvg’inda; qidiruvda bo ’lmoq*”;

On the level - If somebody is honest and trustworthy, they are on the level. – “*haqiqatgo'y; odil*”;

On the line - If sb's job is on the line, they stand a very good chance of losing it. “*ilinib turibdi*”;

On the make - If somebody is on the make, they are trying to make a lot of money, usually illegally. – “*firibgarlik bilan*”;

On the map - If a place becomes widely known, it is put on the map;

On the money - If you are on the money, you are right about something;

On the never-never - (UK) If you buy something on the never-never, you buy it on long-term credit. “*olarsanda bir kun*”kredit, “o’ldim –o’ldimda to’lanadigan qarz”;

On the nod -(UK) Somebody who's on the nod is either asleep or falling asleep, especially when they shouldn't or are in a position unusual for sleep, like sitting or standing. – “*mizg'ib olmoq*” , “*pinakka ketmoq*”;

On the nose -This means right on time. “*ayni paytida*”;

On the right foot - If you start something or set off on the right foot, you get off to a good start. “*o'ng yoni bilan turmoq*”;

On the ropes - When something or somebody is on the ropes, it or they are doing badly and likely to fail. – “*omadi chopmadi*”, “*ishi yurishmadi*”;

On the run - If somebody is on the run, they are avoiding arrest and hiding from the police. – “*qidiruvda*”;

On the same page - If people are on the same page, they have the same information and are thinking the same way. – “*ko'nglimiz bir*”;

On the same wavelength - If people are on the same wavelength, they have the same ideas and opinions about something. – “*maslakdosh; hamfikir*”;

On the shelf - If something like a project is on the shelf, nothing is being done about it at the moment.

On the skids - When things or people are on the skids, they are in serious decline and trouble;

On the sly - If somebody does something on the sly, they do it furtively or secretly. – *o'g'rincha, yashirin*;

On the stump -When politicians are campaigning for support and votes, they are on the stump;

On the take - (UK) Somebody who is stealing from work is on the take;

On the tip of your tongue - If a word is on the tip of your tongue, you know it, but you just can't quite remember it at the moment. – *“tilimning uchida turibdī”*;

On the trot - (UK) means 'consecutively'; I'd saw them three days on the trot, which means that I saw them on three consecutive days. *“ketma-ket”*;

On the up and up -If you are on the up and up, you are making very good progress in life and doing well. – *“omadi chopdi”*;

On the wagon - If somebody is on the wagon, they have stopped drinking alcohol. – *“ichishni tashlagan”*;

On the wallaby track - (AU) In Australian English, if you're on the wallaby track, you are unemployed. – *“bekorsoz, bekorchi”*

On top of the world - If you are on top of the world, everything is going well for you. – *“ettinchi osmonda uchyapti”* ;

On your high horse - When you are on your high horse, you are being inflexible, arrogant and will not make any compromises. – *“otdan tushsa ham egardan tushmagan”*;

On your last legs - If somebody's on their last legs, they're close to dying.- *‘Bir oyog'i go'rda’*;

On your soapbox - If you are up on your soapbox about something, you are very overtly and verbally passionate about the topic.- *“ishqiboz”*;

On your toes - Somebody on his or her toes is alert and ready to go. – *“qulog'i ding”*.

Инглиз тилида предлогларнинг сўзлар билан бирикиши орқали вужудга келган кўплаб турфун бирикмаларни учратиш мумкин. Жумладан, **on**

предлоги ёрдамида ҳосил бўлган, ёки **on** предлогли кўплаб турғун бирикмаларни учратиш мумкин. Масалан: **on the one (other) hand** *бир (бошқа) томондан*.

on a bowline , on a higher floor/on a lower floor, On a par , on a regular basis, On a sudden/on a suddeny, On a wind, on account of, on air, on all fours, On an average, on an even keel, on an individual basis, on an irregular basis, on and off, on and on, on approval, on average, on base, on behalf of, on berth, on board, on call, on camera, on commission, On condition, on demand, On Dit, On draught, on duty, on earth, on edge, on end, On even ground, On even keel, on faith, on file, on fire, on guard, on hand, On height, on high, On horseback, on it, on key, On liking, On Line, On live, On loft, on message, on occasion, on one hand, on one's guard, On one's hands, On one's honor, On one's last legs, On one's legs, On one's own account, On one's own hook, on paper, On penalty of, on purpose, on request, On Shore, On sufferance, on tap, on that point, on the Air, on the alert, on the average, on the ball, on the beam, On the bow, on the button, on the cards, on the coattails/on the coattails of, on the contrary, On the docket, on the dole, on the dot, On the European plan, on the face of it, on the fence, on the fly, on the go, on the hoof, on the hook, On the jar, on the job, On the lee beam, on the line, on the lookout for, on the loose, on the make, on the mend, on the nail, On the neck of, on the nose, on the offensive, on the one hand, on the other hand, on the pad, On the point, On the quarter, on the qui vive, on the rag, on the road, On the shady side of, on the side, on the sly, on the spot, on the spur of the moment, on the square with, on the street, on the strength of, on the stump, on the table, on the tapis, On the volley, on the warpath, on the way, On the weather beam, on the whole, on the wing, On the wings of the wind.

Инглиз тилидаги *on* предлоги макон муносабати билан алоқадор жараёнда ҳаракатнинг давомийлиги ёки ривожланиши маънолари ажратиб кўрсатилади Масалан: to send one's luggage on. Мазкур предлогда предметнинг макон билан боғлиқ маъноларида предмет билан контактда

эканлигини кўрсатувчи (What had he on?), предметнинг юқори қисмида жойлашганлигини (on the roof) ифодаловчи, вазиятнинг юқори нуктада эканлиги (on the pick of) каби макон муносабати маънолари кузатилди. Маълумки, макон муносабати ўз навбатида вақт, темпораллик муносабатлари билан узвий алоқага эга. Инглиз тилидаги *on* предлоги вақт ва макон муносабатларининг кесимида макондаги предметни жойлашган нуктасида олиш маъносини ифодалашда юзага келади.

Боб бўйича хулосалар

Шундай қилиб, инглиз тилидаги предлоглар назарий таҳлиliga асосланadиган бўлсак, уларнинг функционал қўлланилиши қуйидаги ифодавий кшринишни ҳосил қилиши мумкин:

- инглиз тилидаги предлоглар грамматик хусусият саналади;
- предлогларнинг барчаси ўз лексик маъноларига эга;
- предлоглар семантик интеграл ва дифференциал имкониятга эга;
- ҳар бир предлог ўз функционал қўлланишига эга бўлишдан ташқари маълум сининимик гуруҳларни ҳам ташкил қилади.
- предлогларнинг асосий қисми фразеологик бирикмаларни ташкил қилиш имкониятига эга;
- кўпгина предлоглар маълум турғун бирикмаларда иштирок этади;
- предлоглар феъллар билан бирикиш орқали адвербиал равишлар функциясида қўлланилиш имкониятига эга.

Шунинг учун ҳам предлогларнинг феъллар билан боланиш имкониятларининг мавжудлиги, адвербиал хусусиятга эгалиги феъл деривациясининг семантик жараёнларини кенгаишида фаол иштирок этади. Предлогларнинг семантик белгилари феълнинг синтагматик маъноларини аниқлашда муҳим ўрин тутати ва субъект ҳаракати билан

алоқадор бўлган феъл компоненти сифатида предикат функциясида қўлланилади.

Предлогнинг лексик маъноси дейилганда, ушбу бирликнинг объект билан муносабатга киришганлиги борасидаги аниқ маълумот тушунилади. Предлогларнинг маънолари минтагматик ва синтагматик аспектларнинг мавжудлиги билан ҳам характерланади. Бунда, предлогларни бошқа тил бирликлари билан бирикиши нутқий ибораларнинг қурилишига хизмат қилиши билан баҳоланади.

Инглиз тилидаги *on* предлоги вақт, макон муносабатларидан ташқари фразали феълларда ҳам иштирок этган ҳолда фразали феълларнинг маъно турларига аниқлик киритади.

3-БОБ. ПРЕДЛОГЛИ БИРИКМАЛАР ВА МАТН ДЕРИВАЦИЯСИ

3.1. Предлогли бирикмаларнинг матн структурасидаги ўрни

Матнда грамматик ҳодисаларнинг кўрсатгичи сифатида тил бирликларини маъно ва шакл нуқтаи назаридан ўзаро боғланиш учун хизмат қиладиган воситалар назарда тутилади. Грамматик ҳодисалар маълум шакл ва белгилар сифатида амалда қўлланилади. Грамматик шакллар ўз функцияларига кўра гап доирасида турлича вазифаларни бажариш учун хизмат қилади. Албатта, грамматик шакллар турли тилларда турлича кўринишга эга. Бу тилларнинг қайси оилага мансублигига қараб шаклланади. Маълум тиллардаги грамматик бирликлар бошқа тиллар мисолида учрамаслиги мумкин, ва аксинча бошқа тилдаги маълум грамматик кўрсатгичлар ушбу тилда бошқа тил бирликларига юклатилиши мумкин. Жумладан, инглиз ва ўзбек тили грамматик шаклларда анчагина фарқларни кузатиш имкони мавжуд. Хусусан морфологик нуқтаи назардан қаралганда, инглиз тилидаги мавжуд артикл, предлог каби грамматик белгиларни ўзбек тилида учрамаслигига гувоҳ бўламиз. Шунингдек, ўзбек тилидаги мавжуд келишик ёки шахс кўшимчалари инглиз тилида учрамайди. Мазкур тиллар мисолида грамматик шакл, белгиларнинг ўхшаш ва ўхшаш бўлмаган жиҳатларги яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо, маълум тилдаги мавжуд бўлган грамматик кўрсатгич ўша тил миллий маданий, шу жумладан тарихий ва ижтимоий асосларига ҳам маълум маънода бориб тақалади. Замонавий инглиз амалий тили замонавий кўринишга келгунга қадар кўплаб, тил нуқтаи назаридан ҳам, босқичларни босиб ўтди. Инглиз тили ўз тарихий тараққиёти жараёнида кўплаб ўзгаришларга дуч келди. Қадимги инглиз тили даврида мавжуд бўлган грамматик кўрсатгичларнинг кўпчилиги фонетик ўзгаришлар таъсирида инверсияга учради. Қадимги инглиз тили давридаги келишик кўшимчаларининг кўпчилиги йўқолди. Улар бажарадиган вазифалар бошқа тил бирликларига юклатила бошлади. Жумладан, инглиз тилидаги келишик,

шахс ва бошқа морфологик бирликлардаги кўшимчаларнинг инверсияга учраши инглиз тилидаги предлогларнинг функционал қўлланилиш имкониятларини кенгайтирди. Натижада, предлоглар нафақат предметнинг жойлашув, муносабат ёки вақт кўрсаткичидаги функционал вазифаларини ифодалай бошлади, балки маълум маънода гап доирасида сўзларнинг бири-бирига боғлаш орқали янги маънолар ифодалаш имконияти ҳам вужудга келди. Шу билан бир қаторда инглиз тилидаги предлоглар грамматик вазифаларни бажарибгина қолмасдан, уларнинг кўпчилиги ўзларининг ҳам лексик маъносининг мавжудлиги билан ҳам ажралиб туради. Бу эса синтактик нуқтаи назардан ўларнинг гапдаги вазифалари имкониятининг кенглигини кўрсатади.

Прагматика семантика ва синтаксис соҳаларида ўрганиладиган масалаларни қамраб олади ва ўзига хос умумлаштирувчи соҳа вазифасини ўтайди Н.Чомский лисоний фаолиятни қобилият ва унинг нутқий ижросидан иборат (competence and performance) икки қисмли ҳодиса деб қарайди. Прагматика фақатгина performance, яъни ижро қилишга оид деб қарайди. Ш.Сафаров эса прагматик назария сўзловчи ва тингловчиларнинг гап белгисининг матнга пропозиция билан мос келиши деб изоҳлайди [31, 43].

Гап тузулиши ўз структурасига кўра барча тилларга хос бўлгани билан улар турли тилларда ҳар хил структура ҳосил қилиши мумкин. Ўз ўзидан маълумки, бундай ҳодисалар қиёсий типологик жиҳатдан таҳлил қилишда кўзга ташланади. Хусусан тушунчавий структура категориясини ташкил этадиган семантик майдон таққосланадиган тиллардаги майдоннинг барча сатҳлари учун умумий ҳисобланади [13]. Семантик майдонда тиллар ўртасидаги ўхшашлик ва ноўхшашлик ҳодисалари намоён бўлади. Албатта семантик майдон ва прагматик тушунча кўпгина ҳолларда чалкаш изоларга дуч келинади. Прагматик лингвистикада муҳим ўрин тутадиган тушунчалардан бири бу дискурс тушунчаси ҳисобланади. Дискурс

тушунчаси лингвистик атама сифатида ўтган асрнинг ўрталарида тилшуносликка кириб келди. Тилшуносликда темпорал маънони англатувчи предлогли бирикмалар дастлаб гап ёки нутқда боғланилган ва келишилган оқибат сифатида тушунилган бўлса, замонавий лингвистикада мураккаб коммуникатив ҳодиса сифатида ишлатилмоқда.

3.2. “On” предлогли бирикмаларнинг матн мазмуни шаклланишидаги роли.

Грамматикализация жараёни предлоглар доирасига тегиши хусусият сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Умумий планда грамматикализация жараёни тарихий жараён сифатида тилнинг грамматик хусусиятига эга бўлмаган бирлигини грамматик белги билан боғлаш орқали, яъни ушбу бирликда мавжуд бўлган грамматик хусусиятларни аниқлашга қаратилган жараён деб тушунилади. Шундай экан, грамматикализацияни тил birlikларининг грамматик хусусиятларини кучайтириш мақсадига қаратилган тугамас жараён сифатида қараш мумкин. Инсон танаси билан алоқадор маъноларни англатадиган отлар (face, head, shoulder etc.) грамматикализация жараёнига мисол бўлаолиши мумкин. Шунингдек, инглиз тилидаги предлоглар, адвербиал равишлар (последоглар) (above, in front of, behind etc.) ҳам ушбу жараёнда фаол иштирок этади. Шунингдек, макон муносабати билан алоқадор бўлган предлогларда (along, across, towards etc.) ҳам грамматикализация жиҳатларини кузатиш имкони мавжуд. Предлогларнинг грамматикализацияга учраш ҳолларини предлог турукими мавжуд бўлган барча тилларда кузатиш мумкин.

Кўриниб турибдиги, инглиз тилидаги предлоглар тарихий тараққиёт жараёнида функционал қўлланилиши кенгайиб борган. Натижада аввал макон маъноси мавжуд бўлмаган предлоглар ҳам кейинчалик ушбу

хусусиятларни ўзларида акс эттира бошлаганликларини кузатиш мумкин. Мазкур хусусият, жумладан, *on* предлогига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Инглиз тилидаги қарийиб барча предлоглар кўп маъноли саналади. Улар ўзларининг лексик-семантик хусусиятларидан ташқари грамматик нуктаи назардан, ва шунингдек тасаввурли схематик жиҳатдан мураккабли ҳисобланади. Предлогларнинг маъноси ва уларнинг муносабат доирасини образ ёки схемали тарзда ўрганишга қаратилган кўплаб ишларни, тилшуносларни ҳаракатларини кузатиш мумкин. Жумладан, Б. Потье, Л. Ельмслев, Р. Вагнер, Б. Брендалъ ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин. Уларнинг ишларида ҳар бир предлогнинг семантик белгиларини алоҳида гуруҳлаш, нутқ вазиятидаги маъно белгиларини аниқлашга қаратилган. Нутқ вазиятига кўра предлогларнинг макон, вақт ва тушунчавий хусусиятларини аниқлашга асосий эътибор қаратилиши таъкидланади.

Маълум лексик бирликларни функционал қўлланишини ўрганиш орқали тил соҳиблари онгида сақланадиган маълумотлар базасини аниқлашга йўл топишга ҳаракат қиламиз. Бўлак сўзларнинг турли даврлардаги мавжудлигини семантик таҳлили мазкур сўзларнинг эволюцион тараққиётини кузатиш имконини бериш билан бир қаторда, уларнинг экстралингвистик маънолари билан алоқадор жиҳатларини ёритиш имконини беради. Шу билан бирга, маълум сўзлар асосида ётадиган концептларни ўрганиш имкониятини ҳам беради [21, 26–34].

Лексик концептларнинг функционал муҳим жиҳатларини эътиборга олишда предлогларнинг вазифалари ҳам муҳим саналади. Жумладан, улар макон-геометрик (*spatio-geometric parameters*) параметрларнинг бош кўрсаткичлари сифатида лексик концептларнинг функционал маълумотларини ҳам қамраб олади. Хусусан, макон тушунчаси билан алоқадор маъноларни англатадиган предлоглар сирасига *on* предлогини ҳам киритиш мумкин. Ушбу предлог предметнинг бошқа предмет юқори қисмида жойлашувини англатади. Бунда геометрик параметр контакт саналса,

функционал параметр таянч нуктаси саналади ва лингвистик мазмунни ҳосил қилади. Масалан: the apple on the table.

Албатта, лексик бирлик мазмуни ва параметрларнинг мослигигина мазмунан очиб берилиши мумкин. Мисол учун оладиган бўлсак, the apple on the wall бирикмаси лингвистик нуктаи назардан тўғридек туюлсада, мазмунан мантиқсиз саналади. Чунки олма деворда туриши учун ё елимланиши керак ёки осиб қўйилиши керак. Ушбу ҳолда мазмуни ва лингвистик тушунчанинг номутоносиблиги юзага келади. Шу билан бирга таянч тушунчасининг мавжуд бўлиши мазмун ва лингвистик тушунчанинг мослигини юзага келтиришда муҳим ҳисобланади. Қуйидаги мисолларга эътибор қаратамиз on one's feet/knees/legs/back, on tiptoe, on all fours. Келтирилган мазкур мисолларда инсон тана қисмлари таянч вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам ушбу бирикмаларда контакт параметр ва таянч параметр мутоносиблиги ва лингвистик мазмуннинг юзага келганлигини кузатиш мумкин.

On предлоги маълум воситадаги ҳаракат маъносини англатиш маъносига ҳам эга. Мазкур маънода контакт параметр ва таянч параметрлари муҳим саналмайди: on foot/horseback, b. on the bus. Аммо мазкур маъноларда лексик таянч маъноси on предлогига юклатилади.

On предлоги билан ифодаланадиган таянч маъно хусуситини қуйидаги мисолда учратишимиз мумкин: The Earth turns on its axis. Ушбу мисолда ҳаракат таянч нуктаси on its axis бирикмасида ўз ифодасини топган.

On предлоги билан боғлиқ яна бир маъно қарамлик саналади. Масалан: Are you on heroin? She's on the pill. Бунда шахснинг от билан ифодаланган бирор нарсага қарамлиги маъноси юзага келади. Мазкур ҳолда ... предлоги ярим лексик хусусиятга эга саналади.

Психологик таяниш маъносини on предлог билан келадиган феълли бирикмалар юзага келтиради. Масалан: You can count/rely on my vote.

Рационал ёки эпистемик таянч маънолари on account of/on purpose бирикмаларида ўз аксини топади.

On предлоги маъно ва мазмунига эътибор каратадиган бўлсак, унда нафақат таянч, контакт параметрлари , балки бошқа маъноларни ҳам мавжудлигини кузатишимиз мумкин. Хусусан, мазкур предлог ҳолат концептини англатувчи маънога ҳам эга. Масалан: In so far as she was capable of love, she loved him, and in going up to him and placing her hand on his arm, she addressed him in a muted reluctant voice, the nearest she could get to tenderness (*Ruth Rendell, 39*).

Функционал жихатдан *on* предлоги фаолият билан боғлиқ, ҳаракатнинг давомийлик хусусиятларини англатувчи маъноларни ифодалаш учун ҳам қўлланилади. Масалан: But I suppose some women do go on like that (*Ruth Rendell, 23*); Burden, whose expression conveyed that he rather approved of women who went on like that, said (*Ruth Rendell, 25*). Мазкур маъноларни англатувчи *on* предлогли бирикмалар “функционал фаоллик” атамаси билан қўлланилади. Чунки, бу каби бирикмалар жисмоний фаоллик, статив белги, техник ҳаракат, даврий стативлик каби вазиятларни ифода этади. Масалан: ‘Angela’s prints were on the back door, the door from the kitchen into the hall, her bedroom door and on various so bottles and jars on her dressing table (*Ruth Rendell, 21*). A marvellous realization was dawning on her (*Ruth Rendell, 14*). В. Эвенс таъкидлашича, *on* “фаолиятли контакт” белгисига эга. Олимнинг келтиришича ‘switch on’ маъноси электрик воситаларни фаоллаштириш, яъни статив ҳолатдан динамик жараёнга ўтиш маъносини билдиради. Мазкур ҳолда, айнан трансформатив маъно *on* предлогининг функционал ва семантик хусусиятига боғлиқ. У феъл билан ифодаланган ҳаракатнинг таянч нуқтаси, трансформатив белгисига ишора вазифасини ўтайди. Бирикмадаги ‘switch’ феъли эса трансформатив белгини амалга оширувчи ҳаракат сифатида баҳоланади. Бошқа сўз билан айтганда *on* предлоги билан алоқадор лексик концептлар функционал ҳаракат параметрларини таъминлайди ва лингвистик мазмунга мос келади. Масалан: You’d know who would be likely to call on her or be fetched home by her (*Ruth Rendell, 32*); ‘Tell me who came to your house.

What friends or acquaintances called on your wife?’ (*Ruth Rendell*, 49); ‘I don’t think there’s ever been a time till now when I’ve had a reasonable amount of money to live on, and now I’ve got it it’s no good to me (*Ruth Rendell*,50); We were on our beam ends. Angela couldn’t work (*Ruth Rendell*, 79). Ушбу ҳолларда *on* предлоги билан мунособатга киришадиган бирликларга ҳаракат маъноси мужассам бўлган от ёки сифатлар тегишлидир. Ҳолат маъносининг юзага келиши эса маълум маънода темпорал мазмунга мос келиши кузатилади. Ифодаланадиган вазият ёки ҳодиса чекланган вақт оралиғида содир этилиши кўзга ташланади. Қуйидаги мисолларга эътибор қаратамиз:

- a. on fire
- b. on live (i.e., a sports game)
- c. on tap (i.e., beer is available)
- d. on sleep (as in an alarm clock on a particular mode)
- e. on pause (as in a DVD player)
- f. on sale
- g. on loan
- h. on alert
- i. on best behaviour
- j. on look-out
- k. on the move
- l. on the wane
- m. on the run

Вақт билан алоқадор предлогли бирикмалар вақеа-ҳодисаларнинг содир этилаётган вақтини аниқлаш учун хизмат қилади. Масалан: As the front door closed on him, the light that rimmed Hathall’s curtains went out (*Ruth Rendell*, 135); So on the following evening Chief Superintendent Howard Fortune left his office at a quarter to six and was at West End Green on the hour. He waited until half past seven. When his quarry didn’t come, he made his way along

Dartmeet Avenue and observed that there was no light on in the window his uncle had told him was Hathall's (*Ruth Rendell*, 145).

Келтирилган мисоллар предлогининг вақт ифодасининг турли давр билан алоқадор кўрсаткичларига мисол бўлиши мумкин. Бунда субъектнинг маълум вақт жараёнида маълум маконда мавжудлик семантикаси ва шунингдек, предлог ёрдамида ифодаланган вақт берилаётган маълумотларда муҳим восита сифатида келтирилганлигини англаш мумкин. Албатта, бериладиган маълумотларнинг вақт кўрсаткичлари билан боғлиқлиги субъект ҳаракатининг ёки фаолиятининг малум бир кўрсаткичи билан боғлиқлигини англашга кўмаклашади.

Макон нуқтаи назаридан *on* предлоги воқеа/ҳодисаларнинг содир этиладиган жойини ифодалашда муҳим ўрин тутди. Қуйидаги мисолларга эътибор қаратамиз:

Turning wearily away, standing *on the spot* where Hathall had been on the point of flinging him down those stairs, Wexford said, 'You gave him back his deposit and he left. What time was that?' (*Ruth Rendell*, 199); Three of the car's doors opened simultaneously and the three policemen it had contained were on their feet, bounced *on to the wet stone* as if on springs (*Ruth Rendell*, 208).

Келтирилган мисоллардаги "on the spot", "on to the wet stone", воқеа ҳодисанинг макони кўрсаткичи вазифасини ўтаган бўлса, айнан шу мисолларда вақт васубъектнинг ҳолатини англатувчи *on* предлогли бирикмаларни учратишимиз мумкин. Жумладан, "were on their feet" бирикмасида субъектнинг ҳолати ифодаланган бўлса, "on the point", "on springs" бирикмалари воқеа/ҳодисаларнинг содир этиладиган вақтига ишора вазифасини бажарган.

Инглиз тилидаги *on* предлогининг матн доирасида қўлланилиши мазкур предлогнинг макон ва темпораллик билан алоқадор жиҳатларидаги синонимик боғлиқликларини кенгайтишига мисол бўладиган бирлик сиаотида келтириш мумкин. Масалан: Out on the platform, Mrs Hathall said, 'That could

have been avoided if you'd done as you were asked (*Ruth Rendell*, 27); She planted herself rectangularly on the spotless carpet and turned slowly round, scrutinizing the ceiling for cobwebs, the windows for smears, the ashtrays for that forgotten cigarette end (*Ruth Rendell*, 43); Would you like to go on upstairs, Mother ? Your bedroom's the big one at the back.' (*Ruth Rendell*, 18); On top of the covers lay a girl face-downwards, apparently deeply asleep (*Ruth Rendell*, 54).

Ушбу предлогнинг темпораллик билан алоқадор интеграл ва дифференсал белгилари реализациясини маъно нуктаи назаридан икки гуруҳга ажратиш мумкин. Улардан биринчиси сифатида аниқ от билан ифодаланадиган вақт, масалан Preacher was on the floor, facedown and spread-eagled, a knee on his back and a gun to his head (SUSAN KEY, 14); “*Get down.*” Mrs. Bossidy yanked on her skirt (SUSAN KEY, 16).

, иккинчиси бўлса, ҳаракат жараёни маълум ҳаракатли ушбу предлогли бирикма ёрдамида амалга оширилади. Масалан: He felt it now as he saw the glass door close on her, the shop's warm orange glow receive her (*Ruth Rendell*, 163); The bus went up through Fulham into West Kensington, an area he remembered from the time he had helped Howard on that former case, and he Noticed to his satisfaction certain familiar landmarks (*Ruth Rendell*, 131).

Макон билан алоқадор маъноларида он предлоги кўпироқ дериватив ўзгаришларга учрашишини кузатиш мумкин. Ушбу маънода он предлоги таркибидаги релевант интеграл семалар сифатида ҳаракат жойи, ҳаракат жойлашуви, субъектнинг макони кўрсаткичлари келтирилса, дифференциал маъноларда макондаги жойлашувни, ҳаракат натижасида макон ўзгариши белгиларини келтириш мумкин. Ушбу девривацион маънолар предлогларнинг матндаги қўлланилиши билан боғлаш мумкин

Инглиз тилидаги “*on*” қўлланилишига кўра турли маъноларда келади. Жумладан, бирор предметнинг юзаки қисмида жойлашганлик маъносида келади. Масалан: The picture is hanging **on** the wall. Предметни маконнинг

юзаки қисимга жойлаштириш маъносида. Масалан: Put the magazine **on** the table.

Вақт муносабатида ҳафта кунлари ёки саналар ифода планига кўчганда. Масалан: The meeting took place **on** Monday (*Ruth Rendell* , 45); They arrived **on** the first of June. Mrs Hathall tightened her grip on the arm which he had attempted to jerk away (*Ruth Rendell*, 19); She ran one finger along the picture rail on the landing (*Ruth Rendell*, 28).

Темпорал ёки вақт муносабати доирасида маълум вақт доирасига аниқлик киритилганда **on** предлогининг қўлланилишига гувоҳ бўлишимиз мумкин: **on a fine summer morning, on a cold evening, on the morning of the first of June. Масалан: On** receiving your letter I telephoned to your brother. **On** coming home I began to work. ‘I went to my mother’s by train on Sunday night. My - Angela drove me to the station (*.Ruth Rendell*,16). They will be here on the 2nd of May. The forecast says, it will be sunny on Sunday. On coming back home, I tried to do washing.

Воқеа/ҳодисаларнинг тасвирий ифодаси маълум номинатив бирлик билан ифодаланганда ҳам **on** предлогини қўлланилиш имкониятлари мавжудлигини кузатишимиз мумкин. Масалан: He spoke **on** the international situation. He delivered a lecture **on** modern American literature. What is your opinion **on** this subject.

Инглиз тилидаги **on** предлоги, таъкидланганидек, кўп маънолилиги ва функционал ифода майдонининг кенглиги билан ҳам бошқа предлоглардан ажралиб туради. Жумладан, go on, keep on бирикмалари ўзидан кейин келган феълнинг шахссиз шакли билан англашилган ҳаракатнинг давом эттирилишини ифодаловчи фаза маъносини ифодалайди. Масалан: The bus went on over a bridge above railway lines and past two more stations on the opposite side, West End Lane and another West Hampstead on some suburban line (*Ruth Rendell*, 133).

Шунингдек, **on** предлоги динамик хусусиятли феълларнинг предикат доирасида ифодаладиган ҳаракатига қўшимча давомийлик семантикасини бериш учун ҳам қўлланилади. Бунда феъл билан ифодаланадиган ҳаракатнинг давом этишишида персистантлик семантикаси билан уйғунлашиб кетади. Масалан: They walked **on** and **on** until they reached a village. Though it was quite dark, they drove **on**. Ignoring him, she went on shortly and rapidly, ‘We got here and he went to look for her (*Ruth Rendell*, 21).

Таъкидланганидек, инглиз тилидаги кўплаб предлоглар феъллар билан бирикиш орқали адвербиал равиш функциясида қўлланилиш имкониятига эга. Шу жумладан, **on** предлогига ҳам мазкур функцияда қўлланилган ҳамда маълум феълларга бирикиш орқали турғун бирикмаларни ҳосил бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан: **to agree on** – келишмоқ (бирор муносабатда), **to comment on** – бирор ҳодиса жараёнга шарҳ бермоқ, шарҳламоқ, **to congratulate on** – билан табрикламоқ, **to depend on** – га боғлиқ (қарам) бўлмоқ, **to insist on** – бирор ҳаракатни бажаришда субъектнинг ўз истагида қаттиқ туриб олиш, ўз фикрини мақуллашга ундаш маъноларида каузатив хусусиятни англатиш учун қўлланилади, **to rely on** – ўтимли бирикма сифатида субъектнинг объект вазифасидаги шахсга бўлган ишончи, унга суяниши каби маъноларни англатади, **to spend on** – вақт ва молиявий тушунчаларни объект билан ифодаланган предметга сарфлаш маъносини билдиради, **to call on** – мазкур бирикма феъл билан ифодаланган асосий маънодан ўзгарган ҳолда субъектнинг бирор маконга қисқа, бирор мақсадда ташрифини англатиш маъносига эга бўлади, **to carry on** – субъектнинг фаолияти билан алоқадор маънода бирор иш ёки вазифани юритиш маъносига эга ҳисобланади. Келтирилган феълли бирикмаларни мисоллар асосида ёритишга ҳаракат қиламиз: The parties could not **agree on** the terms of the contract. He did not **comment on** this event. I **congratulated** him **on** his success. That doesn't **depend on** me. I **insist on** your presence. You may **rely on** that.

He **spent** most of his money **on** books. I shall **call on** him tomorrow. **They** are carrying **on** negotiations for the sale of wheat.

Бундан ташқари мазкур предлог маълум феъллар билан бириккан ҳолда турғун ибораларни ташкил этади. уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: **to get on** – ишлари юришмоқ, биров билан чиқишмоқ, муроса қилмоқ; **to go on-** давом эттирмоқ; **to look on** -кузатмоқ, бирор объектга қараб турмоқ; **to put on** – киймоқ; **on the initiative of** – ташаббуси билан; **on an (the) average** – ўртача олганда; **on the part of** – қисми, бирор шахс томонидан; **on the right (left) hand side** – ўнг ёки чап томонда бўлмоқ; **on the contrary** – аксинча, фарқли ўлароқ каби маъноларга эга; **on the invitation of** – бирор кишининг таклифига биноан ва ҳақозолар. Келтирилган ибораларни қуйидаги мисолларда кузатиш мумкин: He was not helping; he **was only looking on**. **How are you getting on?** They **get on** very well together. **Go on** working! **Put** your coat **on!**

ON прелоги ўзидан кейинги номинатив бирликлар билан бирикиши орқали қуйидаги ибораларни ҳосил қилади: **on board a (the) ship** – кема бортида, **on a large scale**-кенг, катта ҳажмда, **on the way** – йўлида, кетаверишда, **on the ground that** бирор ҳодиса асосида, **on the whole** – умуман олганда, **on the advice (suggestion) of** – бирор кишининг маслаҳати (таклифи)га биноан, **later on** – кейинчалаик, сўнгра, **and so on** ва ҳақозо, **on land** -қуриқликда, **on behalf of** – бирор киши томонидан ҳурмати билан мурожат қилганда қўлланилади, **on purpose** – атайлаб, қастддоан, мақсадида каби маъноларга эга, **on business** – иш, хизмат юзасидан (сафарда бўлмоқ), **on condition that** – шарти билан, агарда, шарт-шароит тақозо этса, **on sale-** сотувда бўлмоқ, **on credit** – кредитга, қарзга, **on demand** – талаби билан, **on foot** -пиёда, **on sea** - денгизда, **on the one (other) hand** – бир (бошқа) томондан, ва шу кабилар.

Предлоглар гап доирасида ифодаланадиган маълумотга қандайдир перспектив ориентацияни бериш учун хизмат қилади. Масалан: And when he understood the true reason for the call, that at last when it was too late, Howard

was on the brink of accomplishing his task, he felt the sick despair of a man who doesn't want hope to come in and threaten his resignation (*Ruth Rendell*, 187); Such ruminations verged on the obsessional, though, and that he must avoid (*Ruth Rendell*, 133). Мазкур ҳолда предлог феъл маъносини бутунлигича трансформация қилиши мумкин. Предлогларнинг семантик устунлигини феъл тўлалигича ўзининг бош маъносини йўқотганда кузатиш имкони туғилади. Бу каби ҳолларда предлоглар идиоматик маънога эга бўлиб, фразали феъллар таркибини ҳосил қилишади. Улар қуйидагилар:

on a certain morning - bir kuni ertalab
on a cold day in a hell-tuyaning dumi erga tekkanda
on a commercial basis –tijorat asosida
on a diet-parhezda
on a large scale - 1. Ko'p; 2. Ko'p miqdorda; keng mashtabda
on a long view- uzoqdan ko'zlab
on a roll - 1. Ro'yxatda; 2. Tarkibiga kiritilgan; 3. "o'z-biri"
on a scale-ma'lum darajada
on a short view- qisqa vaqt nuqtai nazaridan
on a site/on the site – saytda
on account of – hisobga olib
on air-radioto'lqin bilan/orqali
on balance – ongli ravishda; taroziga solib;
on BBC – Bi-Bi-Si kanalida
on behalf of smb. and oneself in person – nomidan; shaxsan
on board a plane –samolyot bortida
on board a ship – kema bortida
on business – xizmat safariga
on comission- komissiyada ishlamoq
on condition that –sharti bilan
on edge –g'azablangan; sabr-kosasi to'lgan; toqati toq;

on emergency – favqulodda holatlar
 on end -1. O'ram (soch); 2. Qatorasiga
 on file –uchetda; hisobga kiritilgan
 on foot – 1. piyoda; 2. tirik;
 on leave – kanukulda; otpuskada; ta'tilda
 on my word/ upon my word-1. chin so'zim; so'z beraman; 2. Hali shunaqami?
 on no account/on no occasion/under no circumstances – hech qanday holatda;
 on offer – sotuvda bor
 on one's account – birov haqqi hurmati
 on one's Jack/on one's own account/on one's own authority – o'z kuchi bilan;
 mustaqil; o'ziga suyanib; tashabbusiga
 ko'ra;
 on one's mind –kimningdir kallasida/aqlida
 on one's own responsibility –o'z tavakkaliga; javogarlikni bo'yniga olgan
 on one's tod –yakka-yolg'iz
 on one's toes - 1. Bo'shashmagan; 2. tayyor turmoq; shay
 on one's way home- uyga ketishda
 on order – buyurtma berilgan; 2. Buyurtmaga ko'ra
 on paper – qog'ozda(quruq); rasman;nazariy
 on pins and needles –ninaning ustida o'tirgandek
 on second thoughts – masalani chuqur o'ylab korish;
 on the ball – uddaburro; omadli;
 on the beam - 1. To'g'ri; keragicha; o'z o'rnida; 2. To'g'ri yo'l;
 on the blink – yaroqsiz; buzuq;
 on the chance – tasodifda; ko'zlab;
 on the wagon – ichishni tark etgan; tashlagan;
 on the face of/ upon the face of – tashqi ko'rinishiga qarab
 on the first story/on the ground floor – birinch etajda
 on the ground that - ... asosida

on the hook – murakkab vaziyatda
on the house - tekinga, firma hisobidan
on the increase – o'sib borayotgan
on the jump – juda ham band; shishilayotgan; ishi boshidan oshgan;
on the mend – tuzatilayotgan
on the off chance –har ehtimolga qarshi
on the razor's edge/on thin ice – dorda yurgandek;
on the spur of the moment – kutilmaganda; to'satdan; shoshilanch
on the surface – yuzasidan; ko'z tushadigan
on the velvet/ on velvet -1. Gullab yashnagan; 2. Oshig'i olchi
on the verge of death – o'lim to'shagida

On предлоги билан ясаладиган бирикмаларни куйидаги семантик гуруҳларга ажратишимиз мумкин:

Ўхшашлик, объектга таъсир этиш маъноли бирикмалар

pattern on smth - кўрсатма, мисол асосида бажармоқ
model oneself on smb – бирор кишига ўхшашга ҳаракат қилмоқ
responsibility on smb – бирор кишига нисбатан жавобгар
capitalize on smth – эвазига бойимоқ, даромадини оширмоқ
profit on smth – эвазига фойда олмоқ
shed light on smth – бирор нарасага ёруғлик бермоқ
information on smth – бирор мавзуга оид маълумот
book on smth – бирор нарса ҳақида китоб
parody on smth – бирор нарасага пародия
evidence on smth – бирор ҳодисага далил, исбот
imprint on smth – из қолдирмоқ, нусхага эга бўлмоқ
carve on smth - аниқламоқ
brand on smth – бирор бир белгига эга бўлмоқ
concentrate on smth – бирор нарасага эътиборини, диққатини қаратмоқ
focus on smth – бирор нарасага эътиборини, диққатини қаратмоқ

pressure on smth – бирор нарса, шахсга таъсир, босим ўтказмоқ
 strain on smth – бирор нарсага юклама
 stress on smth - бирор нарсага юклама
 tread on smth – бирор нарсани босиб олмоқ
 throw oneself on smth in – ўзини ташламоқ, ташланмоқ
 fringe on smth – бирор жараён (қонунни) бузмоқ
 encroach on smth – бостириб кирмоқ
 an attempt on smb's life – ҳаётига, жонига қасд қилмоқ
 on the alert навбатчи бўлмоқ
 agree on smth - келишмоқ
 satisfy oneself on smth – ишонч ҳосил қилмоқ
 follow on smb / smth – бирор киши ёки нарсани кузатмоқ, эргашмоқ
 hang on smb – бирор кишини изидан тушмоқ
 steal in on smb – пойлоқчилик қилмоқ
 advance on smb – биро кишига қарши ҳаракатланмоқ
 fall on smb – бирор кишига ҳужум қилмоқ
 descend on smb – кутилмаганда бирор кишига ташланмоқ
 close on smb – бирор кишини ўраб олмоқ
 arrest on smth – бирор нарса, ҳаракат учун ушламоқ, қамоққа олмоқ
 blunder on smth – дуч келиб қолмоқ, урилиб кетмоқ
 hit on smth – дуч келиб қолмоқ, урилиб кетмоқ
 stumble on smth – бирор нарсага сирпаниб кетмоқ
 tread on smth – бирор нарсани босиб олмоқ
Ўрин-жой, яъни локатив кўрсаткич
 on the wall – деворда
 float on water – сувда сўзмоқ
 to kiss on the lips – лабидан упмоқ
 on the Continent – қиттада (жойлашган бўлмоқ)
 on the Thames – Темза дарёси устида

float on the surface – юза қисмида сузмок
glide on the water / snow – суда, қорда учмок
skate on the ice – муз устида конкида сирпанмок
skid on the road – йўлда шатакка олмок
slide on the slippery way – сирпанчик йўлда сирпанмок
on the highway – автомобил трассасида
on the path – йўлакда
on the canal – каналда
on the river – дарёда
on the sea – денгизда
on the farm – фермада
on the site – ҳаракат жойида
on the railway – темир йўлда
on the look out for smth – қоровулликда бўлмок
on one's guard for smth - қоровулликда бўлмок
on the qui vive for smth - қоровулликда бўлмок
be on duty – навбатчи бўлмок
be on the night shift – тунги навбатчиликда бўлмок
be on the sick leave – касаллик варақаси билан таътилда бўлмок
on the top of a hill – тепалик, чўққининг тепасида бўлмок
on the ground - ерда
on the snow - қорда
on the platform - платформада
on the table – стол устида
on one's back - елкада
on tip toe – оёқ учида
on a bicycle – велосипетда
on a horse – от устида
on a car – енгил машинада

on the train – поездда

Вақт, темпорал кўрсаткич

on Monday – душанбада

on the first of May – биринчи май куни

cash on delivery – нақ тўловдаги тарқатма

on foot – пиёда

on tires – шинада

on hinges – кенгликда

on axes – энг чекка қиррада

on the way to smth – бирор жойга бўлган йўналишда, йўлда

on the decline – кеч, қуёш ботишида, оғушида

on all fours – тшртинчиларда

on the 26-th of April - 26 апрелда

on such a day – шудай кунда

on a fine morning – ажойиб тонглардан бирида

on the eve – яқинда

later on -keyinchalik, keyinroq

Сухбат мавзуси

agreement on smth – бирор нарсага келишув

lecture on history – тарихдан маъруза (ўқиш)

on such terms – шарт-шароитда

to buy on the cheap – арзон нархда сотиб олмоқ

to live on one's parents – ота-она эвазига яшамоқ

press on smb – га бисим ўтказмоқ

put the screw on smb – бирор кишини мажбур қилмоқ, ундамоқ

be severe on smb – бирор кишига ёмон муносабатда бўлмоқ

censure on smb – бирор кишини маънавий муҳокама қилмоқ

lay the blame on smb – айбни бирор кишига тўнкамоқ

gloat on smth – бирор нарсадан роҳатланмоқ

be keen on smth – бирор нарсага жуда қизикқан бўлмоқ
 dote on smb – бирор кишини хаддан зиёт ёқтирмоқ, севмоқ
 set one's heart on smb – ошиқ бўлиб қолмоқ
 beam on / at smb – бирорга сўқланиб (ижбойи маънода) қарамок
 radiate on / at smb – хурсандчилик билан бирор кишига қарамок
 radiate on smb – нур таратмоқ
 bend one's eyes on smb – бирор кишига кўз қирини ташламоқ
 fix one's eyes on smb / smth – диққатини жалб қилиш учун тикилиб қарамок
 rivet one's eyes – нигоғини ташламоқ, нигоҳ қаратмоқ
 on smb / smth feast one's eyes on smb / smth – бирор киши ёки нарсага
 завқланиб, муҳаббат билан қарамок
 keep an eye on smb / smth – бирор киши, нарсада куз узмаслик
 squint on smb / smth – бирор киши ёки нарса билан ўралашиб қолмоқ
 meditate on smth – ўйланиб қолмоқ
 dwell on smth – бирор нарсада тўхталмоқ
 comment on smth – бирор бир мавзуга изоҳ бермоқ
 discussion on smth – бирор нарсани муҳокама қилмоқ
 converge on smth – тўхталмоқ
 agreement on smth – бирор нарсага келишув
 committee on smth – масала бўйича комитет

Сабаб, натижа

on that ground – ушбу масала бўйича
 on the occasion of smth – бирор ҳодиса сабабли
 act on advice – маслаҳатга амал қилмоқ
 know on hearsay – шунчаки маълумотга эга бўлмоқ
 on good authority – ишончли манбалар орқали
 on the 100-th anniversary – 100 йиллик муносабат билан
 on the point of doing smth – бажаришга тайёр
 have mercy on smb – бирор кишига раҳми келмоқ

bestow smth on smb – бирор кишига бирор нарсани совға қилмоқ

congratulate on smth – бирор ходиса билан табрикламоқ

Таркибига тегишли бўлмоқ

on the commission – комиссия таркибида

on the list – руйхатда

on the staff – штат бирлигида

burden on him – бирор кишига юклатилган

obligation on smb – бирор ходисага мажбурият

liability on smb – бирор кишига тегишли мажбурият

Ҳаракат воситасида

on television – теливизорда

on the right / wrong track – на правильном / ложном пути

embark on smth – бирор нарсага (воситага) ўтирмоқ

get on the bus – автобусга ўтирмоқ

Ҳолат маъносини англатувчи

on half pay – ярим стакада ишламоқ

be on duty – навбатчи бўлмоқ

beagog on (about / with) smb – бирор кишига нисбатан ақлдан озганчалик муносабатда бўлмоқ

mad on / about smb – ақлдан озганчалик ёқтирмоқ

on one's honour – қасам ичмоқ

Ҳаракат объекти сифатида

to work on smth – бирор нарса устида иш олиб бормоқ

to spend money on smth – пулни нимагадир сарфламоқ

impose a fine on smb – бирор кишига штраф солмоқ

on the march – марш бўйича ҳаракатда

on the move – ҳаракатда

on the rise – кутарилишда

on the go – ҳаракатда

strike on smth – бирор ғоя ёки шахсга тасодифан ташланмоқ

be on the hunt – бирор ҳайвонни ов қилмоқ

be on the make – қўшимча киртмоқ

be on the prowl – бирор нарсага ов қилмоқ

Жойлашганлик маъноси

on the left of the post-office – почтадан чап тарафда

on the program(me) – программа ҳақида

on the list – руйхатда

on the agenda – кун тартибида

Инглиз тилидаги юриш-ҳаракат феъллари билан бирикадиган юкламаларга умумий хулоса қиладиган бўлсак, уларни уч гуруҳга ажритиш мумкин.

1. юриш-ҳаракат феъллари билдирадиган ҳаракатининг тугалланганлигини билдирадиган феъл юкламалари: up, in, out, into, over, to, off, for, from, away;

2. юриш-ҳаракат феълларига процессуал маънони ифодалашига кўмаклашувчи феъл юкламаларига towards, along, down, forward, around, round, past;

3. предикат вазифасида келган феъл, эга вазифасидаги субстант, локатив позицияни билдиралиган объектнинг семантик маъноларига боғлиқ равишда аспект маъноларини англатадиган феъл юкламалари: on, off, over, round, for, down.

Инглиз тилидаги предлоглар ҳаракат феълларига бирикиш имкониятига қараб Жэкендоф томонидан қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

a) a. route: across, over, through, past, down, along

b. source: away from, out of, off, from

c. goal: to, into, onto, towards [44, 69-143].

Предлог маънолари, таъкидланганидек, турли параметрларга бўлинади. Жумладан макон муносабати билан алоқадор хусусиятлар предлогларнинг

кўпчилигида учрайди. Шулар жумласига “on” предлогини ҳам киритиш мумкин. Макон муносабатида on предлоги объектнинг бошқа объект билан контакт маъноси What had he on?, темпорал муносабатда эса ҳаракат маъносини ифодалаб келади to send one’s luggage on [36, 541–542]. Маълумки, предлогларнинг макон муносабатизамон ва вақт билан узвий алоқадорликка эга. Одатда предлогнинг макон муносабатини ифодалай оладиган имкониятининг мавжудлиги, уни замон ва вақтни англатиш имкони борлигидан ҳам далолат беради. Жумладан on предлоги ифодаладиган макондаги мавжудлик маъноси ушбу предлог объектнинг маълум вақт доирасида мавжуд бўлиши маъносига ҳам мос келади. Кўриниб турибдиги, on предлоги темпорал маънолардан ташқари маълум маънода аспектual ифодага ҳам эгалиги кўзга ташланади. Мазкур ҳолни ҳаракатнинг давомийлиги ёки ривожланиш маъносини англатишда учратишимиз мумкин: to walk on, to go on – юриш ҳаракатини ёки бирор ҳаракатни давом эттирмоқ.

Инглиз тилидаги on предлоги ифодаладиган маънолар номинатив бирлик маъноси билан уйғунлашиб кетиши ҳам мумкин. Масалан: “...And what about you, Clifford? Do you think sex is a dynamo to help a man **on** to success in the world?” (D.H.Lawrence “Lady Chatterley’s Lover”)\$ ‘He’s got you on your toes, this bleeder, hasn’t he ?’ Ginge moved to an alcove table. ‘Always popping up to the Smoke, you are. You don’t want to let it get on top of you. Once let a thing like that get a hold on you and you could end up in a bleeding bin.’¹³³

Келтирилган мисолда on предлоги иборага проспектив маъно англатишга хизмат қилган бўлиб, маълум маънода вақт билан алоқадорликка эга. Проспектив маъно ҳаракатнинг натижага йўналтирилганлигини, яъни келажакда фойдаланишга қаратилганлигини билдиради.

Замон билан алоқадор аспектual маъно инглиз тилида on предлоги ёрдамида ифодаланадиган яна бир маъно бошланганлик саналади. Ушбу ҳолда on предлоги маълум ҳаракат ёки ҳолатнинг бошланганлик нуктасини ифодалаб келади. Масалан: *The crisis came on. A terrible spasm of pain came on just*

before he died. “Mother died of cancer, **brought on** by fretting” (D.H. Lawrence “Lady Chatterley’s Lover”).

Бошланганлик маъно хусусиятини яна бир тури инхоативлик саналиб, унда ҳолат ўзгариши, яъни иккинчи ҳолатга киришиш маъноси юзага келади. Масалан: Then I **took on** with another girl, a teacher, who had made a scandal by carrying on with a married man and driving him nearly out of his mind (D.H. Lawrence “Lady Chatterley’s Lover”). So I **took on** with Bertha, and I was glad she was common (D.H. Lawrence “Lady Chatterley’s Lover”).

Келтирилган мисолларда инхоативлик маъноси натижавийлик ва бир қарралик маънолари билан боғланиб кетган. Инглиз тилидаги *on* предлоги англатадиган яна бир аспектuali маъно, бу интенсив ривожланиш саналади. Масалан: The pain had **gone on and on** with the legs bent, and I could feel it going in and out of the bone (E. Hemingway “A farewell to arms”).

Инглиз тилидаги **on** предлоги ёрдамида ифодаланадиган макон муносабати маъноларининг юзага келишида макондаги мавжудлик маъноси асосий категориал белги сифатида тан олинади. Шунинг учун ҳам макон маъносини ифодалашда **on** предлоги лексик восита бўлиб хизмат қилади.

Мазкур гуруҳланишдаги (a route) йўналиш предлоглари субъектнинг троектория бўйлаб ҳаракатланиш маъносини англатади. Масалан: ‘Get in the car, Mike, and I’ll tell you on the way. No, Sergeant Hutton will tell us on the way.¹⁹⁵ Surely he will come back, she thought. He’d originally been riding on this car’s platform. And wouldn’t he want to check on his captives? “Is everything all right?”¹⁷ Мазкур юкламалар to go феъли томонидан ифодаланган ҳаракатнинг процессуаллигини билдирган. Шунга ўхшаш бир неча юкламанинг бирга келиш ҳолларини бошқа мисолларда таҳлил қиламиз. Қуйидаги мисолларга эътиборимизни қаратамиз.

We went on down the clear road and as it turned a corner into the open and went into the square arched tunnel of matting the rain started (Hem, 170); Let’s go

there “all right” she said. We went on past other windows turn down Aside Street (Hem, 217)..

Мазкур мисолардаги *on* феъл юкламаси соф аспект маъносини, яъни давомийликни англатиб келган бўлса, *down, past* предлоглари локативлик ва йўналишни ифодалашган. Ҳаракатнинг уюшиб келиши натижасида чегараланмаган хусусиятга эга феълларда терминативлик пайдо бўлади. Бу терминативлик уюшиқ бўлакдаги бошқа ҳаракатнинг бошланиши натижасида ҳосил бўлади. Умуман олганда *down* предлоги фақатгина йўналишни эмас, балки йўналиш маъносини бериш билан бир вақтда юриш-ҳаракат феъллари билан ифодаланган ҳаракатнинг процессуаллигини ҳам юзага келтиради.

Бўлак ибораларнинг тилда ифодаланадиган муносабат белгилари ўзларининг турли туманлиги билан ҳам фарқланади. Шу каби фарқланишларни инглиз тили предлоглари мисолида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, инглиз тилидаги “**on**” предлоги иштирок этадиган синтактик конструкцияларнинг трансформацион имконияти билан алоқадор масалалар ҳали ҳануз ўз долзарблигини йўқотган эмас. Шу билан бирга, ушбу предлогнинг синтактик бирикмалардаги семантик ўрни ўзига хос мураккаб ва кенгдир. Мазкур предлог ўзи билан бирикадиган сўзларнинг мазмун моҳиятини бойитиши билан бирга уларни маълум лексик-семантик гуруҳларга ажратиш имкониятини ҳам оширади. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, инглиз тилидаги кўплаб предлоглар гап доирасида нафақат сўзларни боғлайди, балки боғлаш жараёнида юзага келадиган маъноларнинг асосини ҳам ташкил қилиши мумкин. Шунингдек, муносабатга киришадиган сўзларнинг хусусиятини аниқлаш, мазмунини ёритишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан “**on**” предлогининг мазмун ва хусусияти хилма хилдир. Хусусан, қуйидаги *she had no money on her* мисолда “**on**” предлоги соҳиблик, эга бўлиш маънларини ёритиш учун хизмат қилаган

бўлса, she spent her money on books мисолида ҳаракат ва тақсимланиш семантик маъноси юзага келган.

3.3. “On” предлогининг когнитив-семантик талқини

Инглиз тилидаги “on” предлогининг рус тилидаги эквиваленти бўлган “на” предлоги маънолари асосида шаклланидиган образли схемалар (imagery schemes) борасида О.Н. Селиверстова [29, 189-242.) ҳам фикр юритади. Образли схема атамасини муаллиф когнитив тилшуносликдаги мавжуд атамдан ўзлаштирган бўлса-да, мазкур атама наздида бошқа мазмун билан боғлиқ қўлланишни ҳам учратиш мумкин. Бу француз олими Д.Пайра томонидан қўлланилган “схематик шакл” тушунчасига ўхшаб кетади. Аммо тўлалигича мос келмайди. Берилган атамада О.Ю. Селиверстова объектларни мазмуни очилмаган ҳолда ўша объектлар ўртасидаги боғлиқликни тушунади. Унга кўра ўша предлог бир неча турли маъноларда қўўланиши мумкин. Қўлланиш жааёнида ҳар бир маъно бир бирини инкор этиши мумкин. О.Н. Селиверстованинг таъкидлашича “на” предлоги ёрдамида ясаладиган образли схемалардан бири сифатида бирор объектни бошқасига жойлаштириш орқали қатламли структура тасвирини ҳосил қилиш саналади. Муаллифнинг ёзишича “на” предлогини ушбу маънода қўлланиши, яъни объектни бирор бошқа объект устига жойлаштириш маъноси объектларни турига қараб ўзгариб боради. Шунинг учун ҳам улар бир бирини инкор этади. Мазкур тасаввурни ассоциатив тасаввур деб номлаш мумкин, чунки унинг маънолари бошқа маъноларга қай даражада мос тушиши ноаниқ ҳисобланади [29, 206]. Муаллиф бу борада қуйидаги мисолларни келтириб ўтади: *На каждого человека приходится по буханке хлеба. Смазят буханку на масле.*

Семантик маъноларни анъанавий талқиндан фарқлашда элементлар тузулмаси маълум семантик гуруҳларга бирлаштирилади ва уларнинг

иерархик тартиби келтирилади. Бунинг натижасида ушбу маъноларнинг бири, яъни энг асосийси прототип, қолганлари эса ясама эканлиги аниқланади. Шу билан бирга марказий бўлмаган маънолар марказий ёки асосий маъноларга таққосланади ҳамда образли схемалар трансформация орқали аниқланади, метафорик ўзгаришлар юзага келади. Жумладан, макон маъноси билан алоқадор предлогларда асосий прототип маъно объект ва макон ўртасидаги асосий маънони англатувчи сўзнинг марказий образи саналади. Қолган маънолар маълум қонун қоидалар ёрдамида, яъни вазиятнинг параметрларини ўзгартириш ёки метафоризациялаш орқали прототип маънолардан ажратилади [25, 115-134]. Маълум ишларда, предлогларнинг полисемияга оид масалаларини тасвирлашдаги марказий масала сифатида предметларнинг жойлашув чегараларини аниқлаш деб билишади [24, 5-6].

Инглиз тилидаги он предлоги турли бирикмалар доирасида қуйидаги схемани ташкил қилиш имкониятлари аниқланди:

I - on NpN, II - on Nven, III - withon Nving, IV - on NA, V- on ND, VI - on N to V,

VII - on N (as/for)N), отнинг лексик-грамматик таркибидан аниқланишда (Npers; Nobj; Npart; Nabstr).

on+noun with + adjective +noun	on +noun or with +verb	on +noun with +noun	on +noun with +pronoun with +adjective
on a certain morning - bir kuni ertalab	bend one's eyes on smb – бирор кишига кўз қирини ташламоқ	on the march – марш бўйича ҳаракатда	on one's account – birov haqqi hurmati
on a cold day in a hell-tuyaning dumi	fix one's eyes on smb / smth –	on the move – ҳаракатда	on one's Jack/on one's own

erga tekkanda	диққатини жалб қилиш учун тикилиб қарамоқ		account/on one's own authority – o'z kuchi bilan; mustaqil; o'ziga suyanib; tashabbusiga ko'ra
on a commercial basis –tijorat asosida	rivet one's eyes – нигоғини ташламоқ, нигоҳ қаратмоқ	on the rise – кутарилишда	on one's tod – yakka-yolg'iz on one's toes - 1. Bo'shashmagan; 2. tayyor turmoq; shay

ХУЛОСА

Предлоглар грамматик категория сифатида функционал-семантик майдондаги от, сифат, феъл семантикасининг турли маъноларини трансформация қилиши билан боғлиқ ҳисобланади. Ишда инглиз тилидаги предлоглар юклама вазифасида феъл майдонини семантик, грамматик ва ҳатто лексик ўзгаришини ташкил қилади ва улар феъл семантикаси тараққиётида муҳим ўрин тутди.

Инглиз тилидаги предлоглар феъл билан бирикиши орқали адвербиал равиш функциясида процессуаллик, давомий маънони билдир олиш имконияти мавжуд. Инглиз тилидаги предлоглар таҳлили натижасида инглиз тилидаги турли семантик маъноларини юзага келишида предлогларнинг маълум даражада ўз ўрни мавжудлиги аниқланди ва кўйидаги хулосаларга келинди:

1. Макон ва йўналиш билан алоқадорлик маънолар *in, into, out, out of, to, towards, along, from, forward, down, toward* предлоглари билан амалга ошиш жиҳатлари аниқланди.

2. Вақт маъноси *in, on, at, from, for, since, till, until* ва бошқа шу каби предлогларнинг асосий семаси сналади.

3. Инглиз тилидаги *on* предлогининг асосий прототипи предмет, маконнинг юзаки қисмида жойлашганлик хусусиятини англатувчи маъно эканлиги кузатилади.

4. Инглиз тилидаги *on* предлоги бошқа сўз туркумлари билан бирикиши орқали турғун бирикмалар, фразеологик бирикмалар ҳосил қила олади ва турли маъноларни ифодалайди ҳамда бу ўзига хос тил қонуниятга ҳам эга.

5. Таҳлил этилган предлог ўз ифодалайдиган маъно ва функционал имкониятига кўра прагматик ва когнитив доирада ҳам тадқиқ этилиш имкониятига эга.

5. Инглиз тилидаги *on* феъл юкламалари, яъни адвербилан равиш вазифасида феълли бирикмалар ҳосил қилиш имкониятига эга. Мазкур ҳолларда ушбу предлог локативликни кўрсатади ва аспектвал нуктаи назардан процессуаллик юзага келади.

6. Инглиз тилидаги *on* юкламаси турли позицияда, турли семантик гуруҳга тегишли феъллар билан келаолиш имкониятига эга бўлиб, у билдирадиган турли маънолар феъллар, отлар билан бирикиши натижасида семантик гуруҳларга таснифлаш имконияти мавжудлиги аниқланди.

Инглиз тилидаги предлогларнинг потенциали таҳлили шуни кўрсатадики, улар билдирадиган маънолари фақатгина лексик бўлиб қолмасдан, балки ушбу предлогларнинг қўлланилиш имкониятлари, матндаги маъноларидан келиб чиққан ҳолда грамматик вазифаларни бажариши ва уларнинг инглиз тили гап шаклланишида муҳим ўрин тутиши кузатилди.

Инглиз тилидаги предлогларнинг асосий қисми кўп маъноли ва кўп компонентли жиҳатларга эга.

Инглиз тилидаги *on* предлоги инсон танасининг турли позицияларда маълум ҳолатда бўлиш маъносида метаномик боғлиқликни юзага келтиради.

Бериладиган вазиятда *on* предлоги ёки ушбу предлогли бирикмалар агентив белги сифатида интеграл вазифаларни бажаради.

On предлогини адвербиал равиш вазифасида феълларнинг маъно таркибини бутунлай ўзгартиради ёки баъзи феълларнинг ҳаракат белгисига давомийлик семантик компонент сифатида амал қилади.

On предлогининг прототип семаси устки қисмда мавжудлик маъноси билан белгиланади. Ушбу предлог билан ифодаланадиган бошқа маънолар метафорик кўчма хусусият сифатида қабул қилиниши мумкин.

On предлогининг “фаоллик” семантик белгилари у билан бирикадиган динамик хусусиятли феълларнинг синтагматик маъно хусусиятлари билан алоқадорликка киришган ҳолда юзага келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

I.Норматив - ҳукукий ҳужжатлар.

- 1.Узбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлиги
.Магистратура низомини тасдиқлаш ҳақидаги буйруғи.Узбекистон
Республикаси Адлия вазирлиги идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат
руйхатидан утқишиш бошқармаси.2012-йил,18-декабр
- 2.Узбекистон Республикасининг Таълим тугрисидаги Қонуни (Узбекистон
Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,1997-йил,9-сон,225-
модда),Тошкент ш,1997-йил,29-август,461-I-сон.
- 3.Олий малакали илмий ва илмий –педагог кадрлар тайёрлаш ва
аттестациясидан утқишиш тизимини янада такомиллаштириш тугрисидаги
24.07.2012 Узбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

II. Узбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида
сўзлаган нутқидан.// Ш.Қурбонов за бошқалар. Баркамол авлод орзуси («Кадрлар
тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш борасидаги публицистик
мулоҳазалар) - Т.: « Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. 1998.- 148 б.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид,
барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997.-326 б.
3. Аничков И.Е. Труды по языкознанию/Институт лингвистических
исследований РАН. Сост. и отв. редактор В.П. Недялков. - СПб.: Наука, 1997.
- 509 с.
4. Апресян Ю.Д. Избранные труды / -2-еизд., испр. И доп. –М.: 1995. –Т.1.
Лексическая семантика. -472с.

5. Апресян Ю.Д. Об одном правиле сложения лексических значений // Проблемы структурной лингвистики. -1971. –М.: -С 439-458.
6. Астафьева Н.И. Предлоги в русском языке и особенности и употребления. Минск, 1974. -624 с
7. Беляевская Е.Г. О характере когнитивных оснований языковых категорий// Когнитивные аспекты языковой категоризации: сб.науч.тр. РГПУ им. С.А. Есенина.-Рязань, 2000. –С 9-14.
8. Бороздина И.С. Пространство как основная категория бытия в языковом отражении [Электронный ресурс] // Теория языка и межкультурная коммуникация. – 2012. – URL: <http://tl-ic.kursksu.ru/pdf/012-001.pdf>
9. Виноградов В.В. Основные типы лексических значений слова // Вопросы языкознания. -1953. -№5. –С 3-29.
10. Виноградов В.В. Русский язык: Грамматическое учение о слове. -3-е изд., испр. – М. : Высшая школа, 1986. -640 с.
11. Воронин С.В. Фоносемантика и этимология // Диахроническая германистика. – СПб.: Изд-во СПбГУ, 1997. – С. 131–177.
12. Гак Г.В. К типологии лингвистических номинаций // Языковая номинация. Общие вопросы. –М. : Наука, 1977. –С 230-293.
13. Гилярова К.А. Радиальная структура значений как инструмент описания полисемии в когнитивной семантике (семантико-типологическое исследование прилагательного “круглый”) // Вестник Московского университета. 2001. -№5. –С 53-69.
14. Гостева. tobgpi.ru/info/old/ronfer
15. Дюжикова Е.А. Метафора в словосложении. Владивосток: Изд-во Дальневост. Ун-та, 1990. – 156с.
16. Елтанская, Е.А. Пространственно-динамические предлоги как средство выражения категории пространства в юридическом и экономическом дискурсах / Е.А. Елтанская // Вестник ВолГУ. Сер. 2. Языкознание. Вып. 6. – Волгоград: Изд-во ВолГУ, 2007. – С. 137 – 142.

17. Звегинцов В.А. Семасиология. –М.: Изд-во Москов. Ун-та, 1957. -321 с.
18. Зализняк А.А. Феномен многозначности и способы его описания // Вопросы языкознания. 2004. -№2. –С 20-46
19. Кибрик А.Е. К типологии пространственных значений (на материале падежных систем дагестанских языков) // Язык и человек. –М. : Изд-во МГУ, 1970. –С 110-156.
20. Кобозева И.М. Лингвистическая семантика. Серия «Новый лингвистический учебник». Изд. 5, испр. и доп. – М.: Эдиториал УРСС, 2012. – 352 с.
21. Кузнецов В.Г. Предмет и задачи диахронической сопоставительной концептологии (на примере морально-ценностных концептов) // Вопросы когнитивной лингвистики. – 2007. – № 2. – С. 26–34.
22. Маляр Т.Н. О метафоризации пространственных отношений // Лингвистика за рубежом эпох. –М. : Изд-во МГЛУ, 2001. –С 75-88.
23. Медникова Э.М. Значение слова и методы его описания. –М.: Высшая школа, 1974. -202с.
24. Никитин М.В. О предмете и понятиях комбинаторной семантики // Проблемы лексической и грамматической семасиологии. –Владимир, 1974. – С 3-155.31.
25. Откупщиков Ю.В. К истокам слова. Рассказы о науке этимологии. –СПб.: Авалон, 2005. – 356 с.
26. Петухова Е.В. Некоторые аспекты этимологии английских лексем с сочетанием /kr/ в анлауте [Электронный ресурс] // Теория языка и межкультурная коммуникация. – 2004. – URL: <http://tl-ic.kursksu.ru/pdf/002->
27. Плунгян В. А. Полисемия служебных слов: предлоги через сквозь // Русистика сегодня. -1996. -№3. –С 3-20
28. Сафаров Ш. Семантика. Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, Тошкент. 2013. -344 б.

29. Селиверстова О.Н. Значение предлогов и некоторые общие вопросы семантики // Русский язык: пересекая границы / отв.ред. М. Гиро-Вебер, И.Б. Шатуновский. – Дубна: Международн.ун-т природы, общества и человека. Дубна, 2001. –С 220-223.
30. Селиверстова О.Н. Имеют ли предлоги только грамматическое значения? // Вопросы филологии. -1990. №3. –С 26-30.
31. Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. Опыт исследования. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1997. – 824 с.
32. Трубаев О.Н. Труды по этимологии. Слово. История. Культура. –М.: Языки славянской культуры, 2004. – Т. 3. – 798 с.
33. Фасмер М. Этимологический словарь русского языка: в 4-х тт.: пер. с нем. Russisches etymologisches Wörterbuch / перевод и дополнения О.Н. Трубаева. – 4-е изд., стереотип. – М.: Астрель, 2004.
34. Черных П.Я. Историко-этимологический словарь современного русского языка: в 2 т. – 3-е изд., стереотип. – М.: Рус. яз., 1999. – 560 с.
35. Шмелев Д.Н. Современный русский язык. Лексика. М.: 1977.
36. Bennet D. C. Spatial and Temporal Uses of English Prepositions. London, 1975. -344p.
37. Biber, Douglas. *Longman Grammar of Spoken and Written English*. Harlow: Longman.1999.
38. Brugman C. M. Cognitive topology and lexical networks. –San Mateo, 1988. – P 477-507.
39. Howkins B.W. The category MEDIUM // Rudzka-Ostin B. // Topics in cognitive linguistics/ - Amsterdam, Philadelphia: Benjamins Publishing Company, 1988. –P 231-270.
40. Hottengorth P.M. Präpositionen und Objektkonzerte: Ein kognitiv orientiertes, zweistufiges // Approaches to Prepositions / ed. G. Rauf. – Tübingen, 1991. –S 134-156.

41. Johnson M. The body in the mind: the bodily basis of meaning, imagination, and the reason. –Chicago, 1987. -233p.
42. Lakoff G. Women, fire and dangerous things. What categories reveal about the mind. –Chicago, 1987/ - 632 p.
43. Langacker R. Foundations of cognitive grammar. Stanford, 1987. -516p.
44. Leech G.N. Semantics. –London: Penguin Books, 1975. -386 p.
45. Lindner S. A lexico-semantic analysis of English verb particle construction with OUT and UP: Ph.D. Dissertation. –University of California, San Diego, 1981. -332p.
46. Pottier B. Sur la nature du cas et de la preposition // Melange I. Frank. -1957. – P 546-551.
47. Quirk, Randolph. *A Comprehensive Grammar of the English language*. London: Longman. 1985.
48. Skeat W. The Concise Dictionary of English Etymology. – Wordsworth Edition Ltd, 2007. – 643 p.
49. Rosch E. Cognitive representations of semantic categories // Journal of experimental psychology. 1975. -№104. –P 192-233.
50. Sweetser E.V. From Etymology to Pragmatics: Metaphorical and Cultural Aspects of Semantic Structure. Cambridge, UK: Cambridge University Press, 1991. – 174 p.
51. Thagard P. Concepts and Conceptual Change // Synthese. – 1990. –Vol. 82. – № 2. – P. 255– 274.

III.Фойдаланилган луғатлар:

1. Based on Word Net 3.0, Farlex clipart collection. © 2003-2008 Princeton University, Farlex Inc.
2. Collins Thesaurus of the English Language – Complete and Unabridged 2nd Edition. 2002 © HarperCollins Publishers 1995, 2002.
3. Oxford Concise Dictionary of English Etymology. – Oxford: Oxford University Press, 1996. – 552 p.

4. The American Heritage Dictionary of the English Language, Fourth Edition
copyright ©2000 by Houghton Mifflin Company. 2009. H. Mifflin Company.

IV.Фойдаланилган бадий адабиётлар:

*Ruth Rendell. SHAKE HANDS FOR EVER. printed in Great Britain by The Anchor
Press Ltd, Tiptree, Essex published by Hutchinson 1975. -219p.*